

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 7-may, №18 (955)

Парламентда

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари ҳамкорлигида "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб, ер юзида аҳоли сони тез суръатларда кўпайиб бораётган бир вақтда, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмаётган айрим давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларига ўта танқислик сезилаётгани, бу ҳолат эса ўз навбатида, ушбу мамлакатларда ижтимоий ва сиёсий муаммолар хавфини юзага келтираётганини таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иклим шароити, мамлакатимизда қўشли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қўлай имкониятларга эга эканлиги, қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, бу мамлакатимизда ишончли озиқ-овқат базасини яратишни таъкидлаб ўтган эди.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги сабабли бутун дунёда 1 миллиардга яқин киши, яъни саккиз одамдан бири тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Ана шу мисолнинг ўзи маъмур масала нақадар жиддий эканини кўрсатмоқда.

Давра сўхбатида мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидаёқ озиқ-овқат хавфсизлигига давлат хавфсизлигининг ажралмас қисми, давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида қаралгани таъкидланиб,

ўтган давр мобайнида соҳага оид мустақкам қонунчилик асослари яратилгани, бу борада Президентимизнинг махсус Фармон ва қарорлари ҳамда давлат дастурлари қабул қилингани алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда аграр соҳани диверсификация қилиш натижасида сув кўп талаб қилинадиган пахта, шולי каби қишлоқ хўжалиги экинлари майдони сезиларли даражада камайтирилди. Ушбу экинлар ўрнига ресурстежамкор технологиялар асосида интенсив мевали боғлар ва узумзорлар барпо этилди, суғорма деҳқончиликда асосий эътибор галла ва сабзавот етиштиришга қаратилди. Натижада сувни иқтисод қилишга эришилди.

Бўлиб ўтган давра сўхбатида кўйи палатанинг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури доирасида соҳанинг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд қонунлар ижроси бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш ишларига асосий эътибор қаратиш белгилаб олинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Уруғчилик тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги ва бошқа шу соҳага тегишли қонунларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Давра сўхбати якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз



Ўтганларнинг ёди, тирикларнинг қадри азиз

Тарихнинг гувоҳлик беришича, инсоният ўзининг 5 минг асрлик ҳаётида 16 мингдан ортиқ қирғинбарот жанглари бошидан кечирган. Бу қирғинбарот урушларда 4 миллиардан ортиқ одам ҳалок бўлган.

5 қитъа, 75 давлат ва ер юзи аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган иккинчи жаҳон урушида 110 миллион жангчи иштирок этган бўлса, улардан 62 миллионининг хоки жанггоҳларда қолиб кетган. Бу урушдан инсоният кўрган зарарининг салмоғини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Одамлар ҳали-хануз унинг азобини тортмоқда.

Уруш бизнинг республикамиздан узокда бўлиб, қулқолларга бомбалар портлаши, жанггоҳлардаги отишмалар овози эшитилмаган бўлса-да, унинг муҳиш алами ва қайғуси кириб бормаган хонадон қолмаган. Маълумотларга кўра, уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда бевосита иштирок этди. Яъни ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга ол-

маганда, халқимизнинг катта қисми кўлига қурол олиб жангларда қатнашган. Уларнинг 500 мингга яқини ўз юртига қайтмаган. Урушдан қайтганларнинг эса асосий қисми майиб-мажрўх ва ногиронлар эди. Фронт ортида ҳам мингминглаб аёллар ва болалар оғир меҳнат ва очликка дош беролмасдан ҳаётдан эрта кўз юмдилар. Аёвсиз уруш юртимизда қанчадан-қанча бевабечора ва етим-есирларни қолдирди.

Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва қахрамонлик намуналарини кўрсатган, азиз жонларини қурбон қилган ўғлонларни, меҳнат fronti фаришларини ҳамда ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбийларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Бугун ёруғ кунлар шукронаси билан кексалик гаштини сураётган уруш фаришлари эса ҳамиша эъзоз ва

эҳтиромга муносибдир.

Умри давомида не-не машаққатли даврлар — иккинчи жаҳон урушининг ўқубатли кунларига гувоҳ бўлган нурунийларимизга мустақиллик шарофати билан дориломон кунларни кўриш бахти насиб этди. Истиклол тўғрисидаги ўзгичимизни танидик. Миллий қадриятларимиз тикланди, асрлар оша дунёга машҳур бўлган буюк алломаларимиз, машҳур саркардаларимизнинг муборак номлари баралла тилга олинди ҳам бўлди. Бугун Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг нишонланапти. Ушбу қутлуғ айёмлар сирасига 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини ҳам қўшиш мумкин. Ушбу қадриятлар мустақиллик йилларига келиб бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, 1999 йилда Президентимиз томонидан 9 майни Хотира ва қадрлаш кунини деб номлаб, умумхалқ байрамига айлантириш таклифи ўртага ташланди.

/Давоми 4-бетда/

Сайловлар демократия кўзгуси

Жорий йилнинг 30 апрель кунини Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси ҳамда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ҳамкорлигида "Сайлов қонунчилиги: миллий ва хорижий тажриба" мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Дастлаб давра сўхбатида сўзга чиққанлар, иштирокчиларга Ўзбекистонда бўлиб ўтган демократик сайловлар бўйича ахборот беришди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ўтказилган сайловларда сайловчилар умумий сонининг 91 фоизи иштирок этганлиги халқимизнинг эртанги кунига бўлган ишончини кўрсатди. Сайловларни кузатишда 5 та халқаро ташкилот, 40 дан ортиқ давлатлардан 300 га яқин кузатувчи иштирок этгани, сайлов кампанияси демократик руҳда, очик ва шаффоф

Нозим РАЙИМОВ,
Бош прокуратуранинг ОУК ўқитувчиси

ўтганига яна бир ёрқин далилдир.

Анжуманда сайлов участкаларида сайловчилар учун қўлай имкониятлар яратилганлиги, хусусан, ёш болали оналарга ҳамда қарияларга алоҳида хоналар ажратилганлиги халқаро эксперт ва кузатувчиларнинг катта қизиқишларига сабаб бўлиб, улар ўзларининг қонун нормаларида Ўзбекистон тажрибасини қўллаш борадида фикр ва мулоҳазаларини билдиришгани эътироф этилди.

Давра сўхбати якунида йил сайин такомиллаштирилиб борилаётган қонунларимизни янада кенгрок тарғиб этишга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Инсон борки, яхши яшашига интилади. Бунинг учун ўрни келса, кунларни тунларга улаб, меҳнат қиладиган, машаққат чекадиганлар қанча?! Ва албатта, ҳар қанча оғир кечмасин, меҳнатнинг роҳати бошқача бўлади.

Масъулият ҳисси

Сирожиiddин НОМОЗОВ,
Термиз шаҳар прокурори

Халол топганини сарфлаб, орзу-ҳавасларига етишаётганларни бугун санаб, саногига етиш қийин. Уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ибрат олса, намуна қилиб кўрсатса арзигulik. Лекин таассуфки, яна шундайлар ҳам борки, улар ўзганининг ҳақини ҳалол лўқма, дея ютишга тайёр туришади.

Салим Тожиёв (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг ҳукмига кўра 5 йил-у 6 ойлик озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди. Уни панжара ортига етаклаган сабаб эса нафси эди. Гап шундаки, тайинли иш билан шугулланиб, пул топиш Салимга оғир, машаққатли ва имконсиздек туюлиб қолганди. Шунинг учун қаердан иш тақлиф этишса, бирор баҳона билан рад жавобини бериб кўярди. Аммо, юриб турган одам еб-ичмаса, кийинмаса бўлмас экан. Мана шундай инсоний эҳтиёжлар сабаб кўнжара отланган Салим банк пластик картocasини тутиб турибди. Вақтдан-узумли фойдаланиш мақсадида унинг ёнига келиб, ўзининг "хизмат"ини тақлиф қилади.

— Пластик карточканигиздаги пулни ҳеч қандай фоиғизсиз нақдлаштириб бераман. Фақат бир кун кутасиз. Фирмамизнинг солиқларини тўлаб қўйишим керак. Шунга... бир савоб иш қилай, дедим-да...

Унинг сўзларига ишонган Л.Пўлатова ўз номидаги пластик карточка билан бирга, акиси Б.Пўлатов, ҳамкасиби Ш.Эрматовга тегишли банк пластик карточкаларини ҳам Салимнинг қўлига тутқазади. У эса жами 890 минг сўм нақд пулни айтилган пайтда келтириб беришни ваъда қилиб, жуфтани ростлайди.

Салим мана шу тарзда нафсини қондириш йўлини топганди. У бошқаларнинг пулига еб-ичади, бозорга тушиб, кийим-бош харид қилади. Табиийки, унинг ваъдасига ишонганлар аввал кутдилар. Сўнг эса тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Фирибгарга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Буни қарангки, орамизда ўз жигарбандларининг ризқини қиядиганлар ҳам учраб туради экан. Термиз шаҳрида яшовчи фуқаро Қ.Ниезов фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2005 йил 22 ноябрдаги буйруғига кўра, икки нафар воғяга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент тўлашга керак эди. Аммо у сўнгги пайтларда оталик бурчини унутиб қўйди. Алимент мқдори миллион сўмга етганда Қ.Ниезовнинг собиқ турмуш ўртоғи Д.Жўраева бу борада прокуратура органларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Қонун ҳимоячиларининг аралашувидан кейингина Қ.Ниезов бурчини эслагандай бўлди. Натжижада ундан 1 миллион сўм мқдордаги алимент ундирилди. Худди шундай, оталик масъулиятини унутган Шокиржон Ҳасанов ҳам воғяга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун 1 миллион 586 минг сўмлик алимент тўловини амалга оширмай келган экан. Термиз шаҳар прокуратураси томонидан унинг хатти-ҳаракатлари ўрганилиб, алимент тўлиқ ундирилди.

Ўш мутахассислар малакаси оширилди

Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органиларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар учун "Миллий армия-мизми юксак маънавиятли, ҳар томонлама етук ва қонунга итоткор Ҳарбий кадрлар билан таъминлашда Ҳарбий прокуратура органларининг роли" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Унда мустақил юртимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида Қуролли Қучларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар атрофида муҳокама қилинди. Шу билан бирга, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган тарихий қисқа давр мобайнида конституцийвий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бераётганлиги эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунга келиб Қуролли Қучларимизнинг жанговар қуч ва имкониятлари сезиларли даражада ошиб, армиямиз кийфаси тубдан ўзгарди. Армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит бутунлай янгиланди десак, муболага бўлмайди. Халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимиз ўртасида Ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Эндиликда Қуролли Қучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституцийвий бурч, балки кўпчилик ҳавас қилмаган энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Тадбирда Республика Ҳарбий прокуратураси тизимидаги ёш мутахассис-

Акбар БОБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурорининг катта ёрдамчиси

ларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш бўйича ўзаро фикрлар алмашилди. Шунингдек, амалий семинарда ёш мутахассислар тўсиқли тасмалардан ўтиш, ўқ отиш каби амалий машғулотларни бажариб, Ҳарбий ва жисмоний тайёрликларини синовдан ўтказишди.

Ёш мутахассисларга Ю.Ражабий номли Жиззах вилоят драма театри жамоаси томонидан тайёрланган спектакл намойиш этилди.

Қонунлар тарғиботи — самарадорлик гарови

Садоқат РЎЗМЕТОВА,

Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг амалга оширилиши суд-ҳуқуқ тизимидаги фаолиятни ҳар томонлама такомиллаштиришда, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг изчил ижросини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Хоразм вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган йилгилида асосий эътибот Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуноти ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига изчил ҳамда мукамал етказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги тартиб ва амалиётни такомиллаштиришнинг долзарб вазифаларига қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенаги аъзолари, Бош прокуратура, Олий ҳўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона, солиқ кўмиталари вакиллари, вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.

Йилгилишда янги қонун ҳужжатларининг мазмунини аҳоли-

нинг барча қатламларига етказиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис сенаторлари, олимлар ҳамда соҳа мутахассислари томонидан ҳар ҳафта ўқув машғулотлари ўтказилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Қайд этиш жоизки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қонунчилик тарғиботи кучайтирилиб, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан мутахассисларнинг мақолалари марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиб келинмоқда.

Йилгилишда шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан бундан кейин ҳам оммавий ахборот воситалари орқали қонун тарғиботини аҳолига тез ва аниқ, содда, раван услубда етказиб бориш амалиётини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига, бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлигига янги қабул қилинган қонунлар бўйича қорхона ва ташкилотларда доимий равишда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришлари зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда йилгилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, қарор қабул қилинди.

Эллик ёшда эгилган бош

Инсон қайта-қайта хатога қўл ураверса, қайта ва қайта жиноят кўчасига бош суғаверса, уни қим деб аташ мумкин? Ўз ҳаётига ачинмаган лебми ёки қонунларни писанда этмаганнинг ҳолига, умрига ачиниш бефойда, деган хулосага келган маъмуликан? Кечиримлардан тўғри хулоса чиқармаган қимса яна кечирибга мунобиси бўла олармикан?

Бу каби саволлар 52 ёшда суднинг қора курсисига учинчи мартаба ўтирган Хайрулло Бердиқулловнинг таржимаи ҳолидан бохабар бўлган ҳар бир инсоннинг кўнглидан ўтиши табиий. Ҳа, у муқаддам 2008 йилда жиноят ишлари бўйича Турақўрғон туман суди томонидан ЖКнинг 214-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилган ва жазога тортилган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, амнистия актига асосан жазодан озод этилди. Бирок, бундан ўзига яраша хулоса чиқариб олмаган Х.Бердиқуллов орадани икки йил ўтиб-ўтмай яна жиноятга қўл ўрди. 2010 йилда ЖКнинг 207-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун унинг устидан жиноий иш кўзғатилди. Унга бу ғал ҳам бағрикенглик қўрсатилиб, амнистия актига асосан жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Оқини қорадан, ҳалолни қоромдан ажрата оладиган ёшга етган Хайрулло Бердиқуллов шу сафар Ўзига берилган имкониятдан тўғри фойдаланса бўларди. Афсус, "ўрганган кўнгли ўртанса қўймай" эканими, у Турақўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлимида пенсия ва нафақалар тайинлаш гуруҳи раҳбари

лавозимида ишлаб туриб, расмий ҳужжатларни қалбақлаштириш, сохта маълумот ва ёзувлар киритиш орқали нафақа пулларининг нотўғри тайинлишига йўл қўйди. Натжижада давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этди.

Собиқ гуруҳ раҳбари бу жиноятни содир этишда ҳеч қийналмай ўзига шериклар топди. Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи М.Бегматова, унинг ўринбосари Х.Маматқулов, бўлим мутахассислари М.Астанов, Б.Аҳмедов, Х.Ҳайдаров, И.Низомов, М.Ҳакимова, Турақўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги хўжалик ҳисобидидаги идоралараро шахсий таркиб архиви бошлиғи А.Раҳимов, архивчилар С.Тожибоев, Х.Турсунова билан бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига зид равишда иш туғди. Аниқроқ қилиб айтганда, 1992-2009 йилларда жами 904 млн. 531 минг 900 сўм нафақа пулларини фуқароларга нотўғри тайинлаб, тўлаб

Бахтиёр ХАЛИЛОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим
АМИБ терговчиси

юбориб, бюджетнинг жуда кўп миқдордаги маблағларининг талон-торож қилинишига сабабчи бўлишди.

Судда судланувчи Х.Бердиқуллов айбига тўла иқдор бўлиб, шундай деди:


— Юқорида келтирилган йилларда ҳақиқатдан ҳам масъул вазижда ишлаб туриб, ўз ишимга эътиборсизлигим туфайли 346 та пенсия ишлари юзасидан 904 млн. 531 минг 900 сўм нафақа пулларининг нотўғри тайинлиши ва тўланлишига сабабчи бўлганман. Аммо бирорта шахсдан моддий манфаатдор бўлмаганман. Ҳозирда давлат бюджетига етказилган зарар тўла қопланди. Қилмишимдан пушаймонман, қонуний енгиллик беришиңизни сўрайман...

Судланувчи Хайрулло Бердиқуллов уч йил муддатга маънабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилди.

Халқимиз: "Қўр ҳассасини бир марта йўқотади", деб бежизга айтмайди. Бу инсоннинг хатолардан ўз вақтида хулоса чиқариши, эл-юрт ичра обрўсини сақлашига далолат эканини аңглатади. У бу сафар шундай йўл туттишига ишонгимиз келади.

Ишбилармонликка қўлай муҳит

Бозор иқтисодиёти тамоинларига мувофиқ қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг ҳукуматимизнинг тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорлари билан қўлай ишбилармонлик, инвестиция муҳити яратилиб, иқтисодиёт, саноат ва қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш юқори суръатларда ривожланмоқда. Прокуратура органлари томонидан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устулан тизимли назорат олиб борилаётган.



Ўқтамжон АБДУРАСУЛОВ, Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Жорий йилнинг ўтган даврида муурожаатлари кўриб чиқилган 14 та тadbиркорлик субъектига банклардан жами 218 млн. сўм кредит маблағи ажратиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, дангаралик тadbиркорлар Ф.Ҳолиқова ва А.Нумоновнинг ҳам муурожаатлари кўриб чиқилиб, савдо дўконларига банкнинг тўлов терминаллари ўрнатиб берилди.

Прокуратуранинг ташаббуси билан жойларда тadbиркорлар билан тегишли хизмат кўрсатувчи ва рухсат берувчи идораларнинг вакиллари иш-тиригида учрашувлар ташкил қилинаётипти. Кўтарилган муаммолар қонун доирасида ҳал этилмоқда. "Ишонч телефони" имкониятлари хусусида тушунтириш бериб берилмоқда. Учрашувларда 2 нафар тadbиркорга 47 млн. сўм кредит, 1 нафар фермерга 5,8 гектар ер майдони, 81 нафар тadbиркорга рухсатнома олиш ёки ҳужжатларини расмийлаштиришга оид масалалар ҳал этилди. Минг нафардан зиёд тadbиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Жумладан, Қўштепа туманида ўтказилган учрашувда тadbиркор О.Абдуллаевга савдо фаолиятини ривожлантириши учун 23 млн. сўм банк кредити ажратилиши таъминланди.

Қўлай ишбилармонлик муҳитини яратган қонун ва қонунот ҳужжатлари ижросининг таъминланиши жараёнида изланиб, интилиб ишлаётган тadbиркорларнинг сафи, уларнинг иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Таҳлилларда айрим бошқарув органларида ноқонуний қарорлар қабул қилиш ёки мажбурият юклаш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар, назорат-текширув органларида тadbиркорларнинг муурожаатлари кўриб чиқилмаган ёки кўриб чиқиш мuddатлари узрли сабабларсиз бузилган. Чунончи, Данғара туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Ж.Тўхтабоев "Элёр" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари И.Сиддиқовнинг шу йил 19 январь кунини қўриб битказилган икки қаватли савдо-маиший хизмат мажмуасини фойдаланишга қабул қилишга рухсат беришни сўраб ёзган аризасини икки ойда кўриб чиққанидан ташқари, жавоб берилишини таъминламаган. Шунингдек, "Файзулло Авто Инвест" МЧЖ, "Зовет" кичик корхонаси раҳбарлари Б.Юсупов, У.Турдиқуловларнинг

ҳамда фуқаро А.Абдуллаевнинг кўшимча текшириш талаб этилмайдиган ва 15 кун мuddатда ҳал этилиши лозим бўлган аризаларини кўриб чиқишда ҳам юқоридагидай қонунбузилишига йўл қўйилган. Ушбу ҳолатлар бўйича айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Жойларда назорат-текширув органлари томонидан тadbиркорларнинг фаолиятларига асоссиз аралашуш ёки ноқонуний текшириш ўтказиш каби ҳолатлар ҳам учрамоқда. Тегишли қонун ҳужжатларига кўра, яққа тартибдаги тadbиркорлар томонидан қонун ҳужжатлари бузилгани тўғрисида кўшимча маълумотлар келиб тушиши текшириш учун асос бўла олади. Бағдод туман ДСИ бошлиғи ушбу талабга зид равишда, ДСИ участка нозирининг билдиришномасига биноан яққа тартибдаги тadbиркор "Раҳимов Бекзод Расулжон ўғли"нинг савдо дўконидики қисқа мuddатли текшириш ўтказишга рухсат берган. Шу билан бирга, яққа тартибдаги тadbиркорлар А.Назаров ва Э.Юлбосқовнинг савдо дўконларида қисқа мuddатли текшириш ўтказишга рухсат бериш-

да ҳам ушбу қонун талабига риоя этилмаган.

Вилоят прокуратураси томонидан аниқ далиллар ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган ахборотлар мавжуд бўлмагани ҳолда текшириш учун рухсатнома бериб, тadbиркорлик фаолиятига гайриқонуний аралашушга имкониятнинг яққон ДСИ бошлиғига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Вилоят прокуратураси органларининг амалий ёрдами билан 77 та тadbиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди. Қўқон шаҳридаги "Водий ал-Асват" хусусий корхонаси ҳамда "Настар ҳаҷон" масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги тўсиқ ва говларни, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этишда ишонч телефонларининг имкониятидан самарали фойдаланилмоқда. Вилоят прокуратураси органларида жорий этилган ишонч телефонларига жорий йилнинг ўтган даврида

келиб тушган муурожаатларнинг 63 таси қаноатлантирилди. Хусусан, фуқаро У.Ботировнинг Ёзёвон туман прокуратурасига ўрнатилган ишонч телефонига қилган муурожаати кўриб чиқилди ва миллий ширинликлар тайёрлаб сотиш билан шуғулланиши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Яққа тартибдаги тadbиркор Ш.Пиримбердиевнинг муурожаати ўрганилганда, унинг дорихона қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги аризаси Бағдод туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Н.Усмонов томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилмагани аниқланган. Бўлим бошлиғига нисбатан қўзғатилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш судда кўриб чиқилиб, жарима тайинланди. Тadbиркорга ер ажратиб берилиши прокуратура назоратига олинди.

Қўқон шаҳридаги "Мега прим сервис" МЧЖ раҳбари М.Жураевнинг ишонч телефони муурожаати кўриб чиқилиб, бажариб берган иши учун 1,4 млн. сўм иш ҳақи Бағдод туман ҳокимлигидан ундириб берилди.

Фарзандларимизга безътибор бўлмайлик

Сирдарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Оида кодексини, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуни ва бу бордаги бошқа қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан бир қанча назорат тadbирлари ўтказилди.



Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидоги туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари васийлик ва ҳомийлик органларида ҳисобга олинган ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаганларнинг 51 нафари васийликка, 20 нафари ҳомийликка, 71 нафари фарзандликка берилган.

Вилоятда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун турар жойлар сақлаб турилиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда турар жой билан таъминланиши юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилган. Масалан, Сирдарё туман ҳокимининг қарорига асосан Гулистон шаҳар "Болалар шаҳарчаси" битирувчилари Вика Тулупова, Александр Маслова, Хасан Самилов, Александр Вязанкинлар алоҳида уй-жой билан таъминланди. Шаҳарчининг яна бир тарбияланувчиси Маҳфуза Содиқовага Ширин шаҳар ҳокими қарори билан Дўстлик маҳалласидан хонадон ажратиб берилган.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш ҳудудий бўлимининг васийлик ва ҳомийлик органларида етим ва ота-она

қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларни жойлаштиришда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганини аниқланди. Масалан, Гулистон шаҳар ҳокимининг қарорига асосан фуқаро Лолаҳон Холбекова вояга етмаган икки нафар жияни васий этиб тайинланган, бироқ васий ўз мажбуриятларини бажармаган. Шундан сўнг Л.Холбекова васийликдан четлатилиб, тоғаси Азимжон Холбеков васий этиб тайинланган.

Ховос туман ҳокимининг қарори билан фуқаро Я.Холбеова васийликка берилган вояга етмаган О.Маматқулов ва Н.Маматқуловларнинг, фуқаро Х.Алибоева васийликка берилган вояга етмаган Гўзал ва Гулдона Алибеваларнинг турмуш шароитлари ўз вақтида ўрганиб борилмаган.

Қонунда қасддан содир этган жинояти учун илгарии ҳукм қилинган шахс-

лар васий ёки ҳомий этиб тайинлаши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган бўлса-да, Ширин шаҳар ҳокимлиги томонидан қўпол қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйилган. Жумладан, Гулистон шаҳар ҳокимининг қарори билан вояга етмаган Ерқинбек ва Содиқбек Абдуганиевлар ҳамда Сарвиноз Ганиевага фуқаро Баҳром Уринбаев васий этиб тайинланган. Баҳоланки, бу шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилган экан. Мазкур қарорга Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан протест келтирилиб, вояга етмаганларга бошқа васий тайинланди.

Шунингдек, ҳудудимиздаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қаровсиз қолган болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланган, бу ҳақда ҳудудий органларга хабар бериш талаблари етарли даражада бажарилмаган.

Гулистон шаҳридаги "Намуна" МФЙ раиси вояга етмаганлар Сирож ва Оғабек Алимқуловларни отаси билан онаси қариндошлари қарамоғига қолдириб, ишлаш учун хорижга кетганидан хабардор бўлса-да, васийлик ва ҳомийлик органига хабар бермаган. Мазкур ҳолат юзасидан Гулистон ша-

Шерзод АРТИҚБАЕВ, Сирдарё вилоят прокуратурининг катта ёрдмчиси

ҳар прокуратураси томонидан маҳалла раиси маъмурий жавобгарликка тортилди. Ховос тумани "Тинчлик" МФЙ раиси эса шу ҳудудда яшаб, отанасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган Д.Бородин 86 ёшли бобоси билан яшаб келаётганлиги, вояга етмаган О.Авзалов эса қўшнис А.Юлдашевнинг уйида яшаётганлиги, улар умумтаълим мактабларига мунтазам қатнашмаётганлиги ҳақидаги маълумотномаларни туман васийлик ва ҳомийлик органига етказмаган. Текширишдан сўнг прокуратура томонидан вояга етмаганлар Д.Бородин ва О.Авзаловлар Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси"га жойлаштирилди.

Юқоридоги қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 3 та туман-шаҳар ҳокими қарорларига протест келтирилди, 14 та тақдимнома киритилиб, улар асосида 12 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман-шаҳар васийлик ва ҳомийлик органларига ҳужжатлар билан ишлаш ва иш юритиш мавзусида амалий семинар машғулотлари ўтказилди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан туман ва шаҳардаги васийлик ва ҳомийликка берилган болаларнинг уй шароитлари ва таълим-тарбияси қайтадан тўлиқ ўрганилиб, улар умумтаълим мактабларидоги фан ва спорт тўғрисидаги жалб қилинди.

Ўтганларнинг ёди, тирикларнинг

қадрлари азиз



Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, ёши улуг, кўпни кўрган инсонларни эъзозлаш халқимиз маънавиятининг негизини ташкил этадиган асосий омиллардан бири сифатида барчанинг кўнглига яқин. Шу боис, Юртбошимизнинг ушбу таклифи бутун халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Бу муборак кун Иккинчи жаҳон урушида қахрамонларча жанг қилиб, ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш, фронтдан эсон-омон қайтганлар ва меҳнат fronti фахрийларини, юртимиз равнақига катта ҳисса қўшган нурунийларни қадрлашнинг ёрқин тисмоли, умум-халқ байрамига айланди.

Мамлакатимизда фахрийларга доимий гамхўрлик кўрсатилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2015 йил 6 мартдаги "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида", 2015 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонлари бунинг яққол далилидир.

Юртбошимизнинг 2015 йил 26 мартда қабул қилинган "Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишига мувофиқ Дастур ишлаб чиқилиб, мазкур Дастур асосида "Жасорат, бурч, матонат" шiori остида турли тадбирлар ўтказиладиган бўлди. Дастурни амалга оширишда давлат органлари, жамоатчилик, ижтимоий ва тиббиёт масканлари ходимлари, маданият,

санъат ва спорт намоёндалари, ҳарбий хизматчилар фаолилик кўрсатаяптилар.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Хотира ва қадр тушунчалари моҳиятан ўзаро боғлиқдир. Зеро, бугунги эркин ва фаровон ҳаётни кўз қорачигидек асраш билан биргаликда Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойий инсонларни ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, сўнмас жасоратини хотирамизда мангу сақлаш, инсоннинг тириклигида қадрга етиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир".

Зеро, ўтмишсиз келажакни ёрқин тасаввур қилиб бўлмайди. Хотира эса ўтмиш ва келажакни боғлаб турадиган мустаҳкам кўприқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, хотирасиз келажак йўқ.

Аждодлар хотирасини ёд этиб, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш, нурунийларни эъзозлаш, катта авлод вакилларига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган улуг бир қадриятдир. Мана шу эзгу қадриятлар 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан янада ёрқин намён бўлмоқда. Бу кун ўтганлар хотирланадиган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ёд олинмаган, дорилонмон кунларга етиб, қариллик гаштини сураётган қариялар қадрланадиган кунга айланди.

Зотан, ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Чунки улар орзу қилган хур замонлар биз авлодларга насиб этди. Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик, эркинлик халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда. Бунинг мамлакатимиз ҳар соҳада эришаётган юксак натижалар, аҳоли турмуш тарзининг юксалиб бораётгани, фарзандларимизнинг турли йўналишларда кўлга киритаётган ютуқлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида 1999 йилда пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш мажмуаси бунёд этилди. Унда миллий услубдаги 42 та устун билан безатилган 2 та айвон қурилган бўлиб, улардаги ўзига хос 28 та тоқчадаги металл лавҳалар — "Хотира китоб"ларига эса урушда ҳалок бўлган 460 мингга яқин ватандошларимизнинг исм-шарифлари зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Мустақиллик майдонига туташиб кетган хиёбонда эса "Мотамсаро она" ҳайкали барпо этилди. Ҳайкалдаги она сиймосида ўзбекона миллийлик асосида эътибор: "она"нинг пешонасига боғланган дуррача, устидан ўралган катта рўмол, узун енгли кўйлак — булар асл ўзбек аёлларига хос либослар. Бу — Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган жигарбандлари гамида изтироб чеккан ўзбекистонлик минглар оналар қиёфаси.

Хотира ва қадрлаш хиёбони ва "Мотамсаро она" ҳайкали юртдошларимиз ва чет эллик саёҳлар билан ҳаммашавқ бўлган Бундай Хотира майдонлари ва "Мотамсаро она" ҳайкали юртимизнинг ҳар бир гўшасида, вилоят марказлари, туман ва шаҳарларимизда бунёд этилган бўлиб, у ерларда ҳар доим, айниқса, Хотира ва қадрлаш кунини арафасида ва байрам кунлари ўтганлар хотирасига бағишланган турли тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда.

Истиқлол йилларида қадриятларимиз қадр топиб, давлатимизнинг устувор гоёларидан бирига айланди. 2015 йилга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Кексаларни эъзозлаш йили" деб ном берилган ҳам ана шундай инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган сиёсатнинг мантиқий давомидир.

Жорий йилда кексаларимиз саломатликларини янада мустаҳкамлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, умуман олганда, нуруний юртдошларимизнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ишлар кўлами кенгайди. 2015 йилда мамлакатимиз Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини тиббий кўридан ўтказиш бўйича тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартдаги "Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши ва у асосида тузилган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилиб, республикаимизнинг барча ҳудудларини қамаб олди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш гоёсининг асосини ташкил этади. Бинобарин, бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамятнинг ривожланиш омили инсон, унинг соғлиги ва турмуш даражасига берилаётган эътибор, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар билан ўлчаниши барчамизга кундек равшан. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кексаларни эъзозлаш мақсадида амалга оширилаётган бу каби хайрли ислохотларнинг нечоғли муҳим ва долзарб эканлиги Юртбошимизнинг "Соғлом халқ, соғлом миллатгина дуоқ ишларга қодир бўлади", деган сўзларида ҳам яққол ифодаланган.

Бундай юксак эътибор ва гамхўрликка жавобан ёши улуг отахону онахонларимиз мамлакатимиз тарақиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Улар аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар олиб бориш,

Шухрат ТУРДИАЛИЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
ўринбосари
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратаяптилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан кекса ва ёш авлод вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлод онгу тафаккурида Ватанимиз тарихидан гурурланиш, аждодларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантиради. Шунингдек, бундай тадбирлар ёшларни оғоҳликка, ота-боболаримиз аъёнларига содиқ бўлишга, бебаҳо неъмат саналган тинчлик ва мустақилликни кўз қорачигидек асрашга даъват этмоқда.

Ўзбек оилаларида ҳар бир эзгу иш хонадоннинг таянч ва устунлари бўлган кексалардан дуо олингандан сўнг бошланади. Ҳаммамиз ҳам боболаримизнинг панд-насихатлари, момоларимизнинг ўғитларини эшитиб улғайганимиз. Уларнинг ибратли умрлари биз учун ҳаммиша катта ҳаёт мактаби бўлиб келган. Халқимизга хос бу каби эзгу қадрият билан ҳар қанча гурурлансанк ва фахрлансанк арзийди.

Қайси оилада кўпни кўрган, ёши улуг кишилар бўлса, ўша жойда меҳр-мурувват, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, энг муҳими, маънавий қомиллик устувор бўлади. Жамиятдаги ўрнимиз, оиладаги макъамимиз, меҳнат фаолиятидаги муваффақиятларимизда ҳам теран илдилашимиз ҳисобланган бобо-момоларимизнинг катта ҳиссаси борлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, қарияларни қадрлаган, эъзозлаган, уларнинг ўғитлари, панд-насихатларини азиз билган эл кам бўлмайди. Кексаларимиз қалбига уруш даҳшатлари ва машаққатли йиллар қолдирган жараҳатга эъзоз ва эҳтиром, қадр ва ҳурмат билан малҳам қўйилапти. Чунки қадр ва қадрлаш оддий, жўн сўзлар эмас. Инсонлар доими бир-бирларининг қадрига етишлари, айниқса, қарияларни қадрлашлари лозим. Бундай қарашни халқимиз, айниқса, ёшларнинг қалбига сингдириб бормогимиз даркор.

Ҳа, халқимиз иккинчи жаҳон урушида мардлик ва қахрамонлик намуналарини кўрсатган, азиз жонларини қурбон қилган ўғлонлари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳеч қачон унутмайди. Бугун қаторимизда туриб, ёруғ кунлар шукронаси билан кексалик гаштини сураётган бундай табаррук инсонлар ҳаммиша эъзоз ва эҳтиромга муносибдирлар. Зеро, ўтганларнинг ёди, тирикларнинг қадрлари азиз, дейишлари бежиз эмас.





Хотиралар тарихни жонлантирганда

Халқимизга хос бўлган эзгу фазилатларнинг бири ўтганлар хотирасини ёл этиб, тирикларга ҳурмат кўрсатишдир. Айнан шу мақсадда Юртбошимизнинг ташаббуси билан 9 май санаси "Хотира ва қадрлаш куни" деб белгиланганидан буён ушбу кун ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда.

Халқимиз ўз қаҳрамонлари номини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг порлоқ хотираси халқ қалбида мангу яшайди. Шунингдек, жанггоҳлардан омон қайтиб, фидокорона меҳнати билан юрт равнақида ҳисса қўшган, бугунги кунда бизнинг давлатимизбахтимиз бўлиб, ёнимизда юрган қаҳрамон отахон ва онахонларимиз ҳамда бутун куч, чидам ва салоҳиятини галабани қадамба-қадам яқинлаштиришга сарфлаган меҳнат фронти фахрийлари бизнинг доимий эътибор ва эъзозимиздадир.

Қорақалпоғистон мисолида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда республикамизда 91 нафар уруш катнашчиси, 1829 нафар меҳнат фронти фахрийси истиқомат қилмоқда. Хусусан, республика прокуратура органларида меҳнат қилиб, бугунги кунда нафақада қариллик гаштини сураётган уруш катнашчилари сони 2 нафарни ташкил этади. Ҳар байрамда уларни йўқлаб, совға-саломлар топшириб, дуосини олишдан бахтиёрми.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ёши улуг инсонларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, дуосини олиш, уларнинг панд-наси-

хатларига қулоқ тутиш халқимизнинг бутун дунё халқларига ўрнатилган миллий қадриятларидандир. Мухтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хонадонларимиз кўрки, файзи бўлган ёши улуғларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришимизни тақозо этади.

Шу кунларда республикадаги барча прокуратура органларида Нурулла Абдуллаев, Жалғас Қалиллаев сингари уруш ва меҳнат ветеранлари, шунингдек, Қиятбой

Ерпўлат КАИПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори ўринбосари

Джуманазаров, Максет Халмуратов, Гавҳар Бабажоновна, Гулара Бабаджанова, Аскербай Уразбаев, Жийенбай Наримбетов, Султанбай Бердиклиев сингари прокуратура фахрийлари иштирокида байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Нурунийларимиз ҳаёт йўллари ҳақида ёшларга сўзлаб берар экан, бу хотиралар бугунги кунда бизни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишга чорламоқда.

Дарҳақиқат, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган юрtda тўкин-сочинлик, фаровонлик, ривожланиш бўлади.

Дунёга уйғоқ қалб билан назар ташласангиз, у турфа ранглардан иборатлигига амин бўласиз. Яхши инсонлар доимо эзгулик тарафида бўладилар, одамлардан яхшилигини ҳеч вақт аямайдилар. Ниҳоятимиз юртимизда, бутун дунёда тинчлик бўлсин.



"Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишлаб "Нигоҳ" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унинг очилишида юртимизда ҳар жиҳатдан етуқ, юксак маънавиятли авлодни вояга етказишда нурунийларнинг бой ҳаёт тажрибасидан кенг фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Нурунийлар ёшлар ижодиди

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида ҳам бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, навқирон авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, ҳалоллик каби фазилатларни қарор топтириш мақсадида табаррук отахон ва онахонларнинг ўғит ва йўл-йўриқларини тарбия жараёнига кенг татбиқ этишга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Кўргазмада Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиларида бир гуруҳнинг ижодий ишлари намойиш этилди. Ёш мусаввирлар асарларида қадимий шаҳарларимиз, меъморий обидалар, жонахон Ватанимизнинг бетакрор табиати манзаралари, табаррук нурунийлар акс эттирилган.

Тинчликни қадрлайлик

Ўта оғир йиллар кўз олимдан кетмайди, одамлар оч, қашшоқ эдилар. Аммо улар яхши кунлар келишига умид қилишарди. Ана шу умид уларни тинмай меҳнат қилишга, юртни қайта тиклашга ундарди. Замон оғирлигидан, бир бурда нонни бир неча киши бўлишиб ер эдик. Ёш йигитлар ва эркаклар урушга кетган, фақат ёш болалар, кексалар, аёлларгина қолишган эди. Яшаш, ҳаёт кечирish жууда оғир эди.

Бугунги тинч, фаровон замонда яшаётган ёшлар ҳар кунига шукроналар айтса арзийди. Улар уруш даҳшатларини кўрмаган, кўрмасин ҳам, илоҳим. Ўзбекистоннинг мустақил бўлганини ўз кўзим билан кўрдим. Мустақил даврда яшаётганимдан фахрланаман. Турмуш ўртоғим билан умргузаронлик қилиб, 4 фарзандни ҳалол ва тўғрилик билан вояга етказиб, эл-юртга қўшдик. Бугун набира, эвароқ чевалар ардоғидаман. Доимо неварра-чеваларларимни ёнимга ўтказиб, сабоқ бўлиши учун ўтган кунларни ҳикоя қилиб бераман. Мухтарам Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланганлиги биз каби фахрийларни қувонтирди.

Тинчлигимизга кўз тегмасин. Ёш йигит-қизларимиз ўқиб-ўрганишдан, меҳнат қилишдан асло толмасин. Ахир улар келажакимизнинг эртанги ворислари. Юртимизда муқаддас неъмат бўлмиш тинчликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳаммамизнинг ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиз. Юртбошимизнинг биз каби фахрийларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ва эътиборлари учун миннатдорчилик билдираман. Ҳаётимиз бундан ҳам гўзал, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Кенжабой АҲМЕДОВ, уруш ва меҳнат фахрийси

Чексиз ғамхўрликдан мамнунмиз

Аҳмадхон ота Тиллаҳўжаев Марғилон шаҳрида истиқомат қилади. 3 нафар фарзанд, 21 неварра, 37 чевара ва 20 нафар эваралари ардоғидаги отахон бу йил 90-бахорни қаршилади.

Аҳмадхон ота 19 ёшида кўп йигитлар қатори фронтга жўнади. Ҳарбий тайёргарликни ўтаб, Россия шаҳарларини фашизм босқинчиларидан озод этишда шижоат кўрсатди. Жанг майдонларида оғир ярадор бўлиб, госпиталга ётқизилди. Икки ой давомида госпиталдан соғайиб чиқиб, яна ҳарбий сафга қайтди. Жангчи Аҳмадхон шаҳар ва қишлоқларни душмандан озод қилиш учун олиб борилган жангларда фаол қатнашди.

Уруш тугагач, А.Тиллаҳўжаев она шахри Марғилонга қайтди. Отахон урушдан сўнг шаҳардаги халқ хўжалиги корхоналарида пенсияга чиққунга қадар самарали меҳнат қилди. Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли озод ва обод юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётди, — дейди Аҳмадхон ота Тиллаҳўжаев. — Инсон қадри улуғланмоқда, кекса-ю ёш бирдек ардоқланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этаётди. Одамларимиз турмуш ҳаётига барака кирди, деярли ҳар кун тўй устига тўйлар бўляпти. Биз, фахрий отахонлар эъзоз ва эътибордамиз. Давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланганлиги менга қувонч бахш этди. Шу она тупроқда яшаётганимдан фахрланаман. Қаерда бўлмайлик, одамлар иззат-икром кўрсатишди, тўйларга, яхши кунларга тақлиф этишди. Жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари тез-тез ҳолимиздан хабар олишди. Улар билан юртимиздаги улкан ўзгаришлар, жамиятда ва одамлар ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ҳақида дилдан сўхбатлашамиз. Биз кўп оғир, машаққатли кунларни бошдан кечирганимиз боис, ёшларга насиҳат-ўғит қилганимизда "Бугунги куннинг, тинчликнинг қадрига етинлар, элга, юртга муносиб фарзанд бўлинглар," дея ўқирамиз.

Президентимизнинг фармонида асосан уруш ва меҳнат фахрийси Аҳмадхон ота Тиллаҳўжаевга "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик медалини, пул мукофотини Марғилон шаҳар ҳокими байрамона вазиятда топшириб, уни ушбу сана билан қўтлади.

Мухаммадхон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Медаллар топширилди

Байрам арафасида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медални ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида кекса авлод вакилларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларининг жасорати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

Тадбирда қатнашган фахрийлар юртимиздаги тинч-осойишта кунларни кўриш, эсдалик медални ва совға-саломларни олиш насиб этганидан бахтиёр эканликларини билдириб, фаровон ўтаётган ҳар бир кунга шукроналар айтишди.

Баҳодир Болтаев 2013 йил 22 апрелда "Хонқа дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти раиси қилиб тайинланди. Шубҳасиз, бундай лавозим ўз эгасидан катта масъулият талаб қилади. Б.Болтаев эса мансаб курсисига ўтириши биланқўз ўз хизмат вазифаларидан кўз юмди. Корхона қолиб, ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтириш пайига тушди. "Давринг келди, сур бегим", қабилада ноқонуний ишларга қўл уришни режалаштиради. Мақсадини бир ўзи амалга ошира олмаслиги сабабли жамият ишчи-хизматчиларини бирма-бир "танлов"дан ўткази бошлади. Кўп ўтмай унга маъқуллар ҳам топила қолади.

Эл ризқига кўз олайтирганлар

Комилжон РОЗУМБЕТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хонқа туман бўлими бошлиғи

Ёз келиб, бугдой йиғимининг бошланиши унинг учун айна муддао бўлди. Вақтни ўтказмай, бўлимда норасмий бошлик бўлган элеватор тарозибони У.Қиличевни ёнига қақриб, топшириқ берди. Ушбу топшириққа биноан, 500 тонна бугдой тегирмон цехига ҳеч қандай ҳужжатларсиз ўтказиб юборилди. Элеваторнинг расман бошлиғи Ш.Қиличев билан чилангар, норасмий тарозибон М.Қаландаров эса бу ишни ими-жимиди ҳал қилишди. Тегирмон цехи бошлиғи С.Дурдиевнинг саъй-ҳаракатлари билан элеватордан қабул қилинган бугдой қисқа муддатда қайта ишланиб, 374 тоннадан зиёд ун, 110 тоннадан зиёд кепак, 18 тоннадан ортиқ дон чикиндиси аралашмаси ишлаб чиқилди.

Ун марказий омбор мудири Р.Султоновга, кепак ва 50 фоизли чикинди омухта ем цехи омбор мудири С.Искандаровнинг қўлига ҳужжатсиз келиб тушди. Ун маълум муддат омборхонада сақлангач, ёлланма ҳайдовчилар О.Раҳметов ва Р.Самандаровларнинг машинасига юклаб юборилди. Буни эса соқчилар бошлиғи А.Отажонов ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш команди бошлиғи С.Қурбоновлар "кўрмай қолишди". Юк ташини билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома ёки лицензияга эга бўлмаган О.Раҳметов ва Р.Самандаров урни Гурлан, Ҳазорасп, Богот туманлари аҳолисига ҳар қопини 35-40 минг сўмдан сотиб юборишди. Ҳар қопдан 2-3 минг сўм наф кўрган ҳайдовчилар тўпланган пуллари жамият ҳайдовчиси Бекзод Болтаевга келтириб беришди. Бекзод эса Баҳодир Болтаевнинг севимили қариндоши. Пулнинг асосий қисми шубҳасиз жамият раисининг чўнтагига келиб тушди. Қолганлари эса ҳар кимнинг хизматига яраша тақсимланди.

Август ойида Хива туманидаги "Қорақум" дон қабул қилиш масканидан жамият элеваторига 2013 йилнинг галла ҳосили келтирилди-ю, директор бундан ҳам устамонлик билан фойдаланди. Қариндоши ва ёлланма ҳайдовчилар Ж.Шарипов ҳамда Х.Рўзметовларни ишга солиб, 200 тонна бугдойни Хонқа шаҳарчасида жойлашган савдо дўконига туширтиришга муваффақ бўлди. Элеватордагилар ва лаборатория бошлиғи А.Абдуллаев бугдойни жамиятга "кирим" қилиб, унинг 3-даражага мансублиғи ҳақида сохта ҳужжат расмийлаштиришди. Бекзод савдо шохобчасидаги бугдойни турли харидорларга келишилган нархларда сотди. Тўпланган пул эса "арра" қилинди.

Шу йили туманнинг "Олажа" массивида жамиятга қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш объекти қурилиши белгиланди. Бу объект учун 705 млн. 430 минг сўмлик смета ҳужжатлари тузилди. Бирок, меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ижобий ҳулоса олинмади. Қонун талабларига зид равишда объекта қурилиш-пайвандлаш ишларини бажариш учун эркин танлов асосида пудратчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилмади. Корхона ўз ҳисобидан қурилиш ишларини бажарди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор экан. Жами 12 млн. сўмга яқин турли ишлар амалда бажарилмасдан, ҳисобот ва қурилиш ҳужжатларига сохта маълумотлар киритилди ва талон-торож қилинди.

Бундан ташқари, "тажриба" си тобора орта борган раис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини бузган ҳолда, бир қатор тадбиркорлик субъектлари ва савдо корхоналаридан турли маҳсулотлари жами 16 млн. 733 минг сўм қиммат нарҳда харид қилган.

2013 йил август ойида жамият айланма маблағларни тўлдириш учун банкдан 366 млн. 200 минг сўм кредит олишга муваффақ бўлди. Банк муассасасига тақдим қилинган бизнес-режада пул маблағларини қурилиш ишлари учун ўтказиш кўзда тутилгани ҳолда, амалда бошқа мақсадларга сарфланади. Афсуски, бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Раис ўз ҳамотоқлари билан уруғлик бугдойни ўз вақтида декларация қилмасдан, фермерларга қиммат нархларда сотиб келганлиги ҳам текширилмади маълум бўлди.

Қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари билан Б.Болтаев ва шерикларининг қилмиши фош этилди. Жамият раиси раҳбарлигидаги 15 кишидан иборат жиноий гуруҳ томонидан давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар келтирилганлиги аниқланди.

Б.Болтаев ва унинг шерикларига нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Сохта ишбилармонлар

Бугунги кунда ҳам ўзларига, ҳам юртга, ҳам давлатга наф келтираётган тадбиркорларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ, виждонан ишлаб келаётган ана шундай тадбиркорлар билан бирга, тадбиркорликнинг моҳиятини тушунмаган, давлат томонидан берилган имкониятлардан фойдаланмай, фақат ўз манфаатини ўйлаётганлар ҳам учраб турибди.

Бўлим томонидан ўтган даврда бу борада олиб борилган тадбирлар натижасида туман ҳудудида ноқонуний фаолият олиб бораётган 15 та яширин цех фаолиятига барҳам берилди. Ана шундай тадбирлардан бирида ўзбошмаллик билан электр тармоғига улашиб, қўлбола мойжувоз ускунасида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариш учун ноқонуний равишда ўз хонадонидида цех ташкил қилган фуқаро С.Бабажановнинг қилмиши фош этилди. Ундан қўлбола усулда ясалган мойжувоз ускунаси, 90

кг. кунжара, 910 кг. пахта чигити, 5 литр тозаланмаган пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Маълум бўлишича, у ноқонуний фаолияти билан туман электр тармоқлари корхонасига 17 млн. 975 минг 500 сўмлик зарар етказган экан.

Манит шахрида яшовчи фуқаро З.Давлетмуратова ҳам ўз уйда ноқонуний равишда қўлбола мойжувоз ускунасида чигитдан ёғ ишлаб чиқариш цехи ташкил қилганлиги аниқланди. Тадбир жараёнида ундан қўлбола мойжувоз ускунаси, 200 кг. кун-

Набижон ШЕРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Амударё туман бўлими бошлиғи

жара, 50 кг. пахта чигити ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Уларнинг қаторига ўз уйда инсон саломатлиғи хавфсизлигига жавоб бермайдиган пахта ёғини ишлаб чиқариш билан шуғулланган фуқаро У.Атажановни ҳам қиритиш мумкин. Осон даромад топиш илнжида бўлганлардан бири У.Атажановдан жами 1 млн. 925 минг 900 сўмлик сифатсиз пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Ўқоридаги ҳар учала ҳолат бўйича сохта тадбиркорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.



Қалбаки «Pepsi»

Тўрабек НУРИДИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят
бошқармаси бўлим инспектори

Бозор иқтисодиётига ўтish жараёнида кичик бизнес кун сайин равнақ топиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Кимлар савдо-сотик, яна кимлар ишлаб чиқариш, бошқа биров ўзига маъқул фаолият тури билан шуғуланмоқда.

Чиндан ҳам ушбу қалбаки ичимликларни ҳақиқийсидан ажратиб бўлмасди. Шу боис бўлса керак, уларнинг бозори кун сайин гурқирай бошлади. Гоҳ шаҳарда, гоҳ туман бозорларида кўтарасига қўлбола маҳсулотларини пуллаётган йиғитларнинг чўнтаги қаппаяр, бироқ бу хатти-ҳаракатлари ортидан кимларнингдир соғлиғига путур етаётгани ҳақида ўйлаб ҳам қўйишмасди.

Ҳар қандай қинғир иш ҳам бир кун фош бўлади. Таниш дўкончиға 12 дона 0,5 ва 6 дона 1,5 литрли "PEPSI" ёрлиғи ёпиштирилган ва қалбакилаштирилган салқин ичимликни 70 минг сўмга сотаётган устамонларнинг фаолиятига департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси ходимлари томонидан чек қўйилди.

Уларнинг хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, "PEPSI" ёрлиғи ёпиштирилган полиэтилен идишдаги салқин ичимликлар, махсулот тайёрлаш учун фойдаланиладиган ускуна, бўш идишлар, қопқоқлар ва бошқа жиҳозлар топилиб, ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Тергов жараёни яқунлангач, Нодир ва Қодир Қосимовлар ҳамда Нортый Аббосов суд ҳужми билан тегишли жазоларини олишди. Шу тариқа ҳақ-дини билмаганларнинг жиноятига чек қўйилди.

Гўдак ҳақида жиёнат

Туман халқ таълими муассасари тизимида ўзгаришлар бўлиб, номутоҳассис, нопедагог ва пенсия ёшмида бўлган бир гуруҳ мактабга таълим муассасаси мудирларига, шулар қаторида ҳудуддаги мактабга таълим муассасаларининг (МТМ) бирида ишлаётган Мавлуда Абдуллаевага ҳам лавозимидан бўшатилганлиги тўғрисида вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи келди.

Лекин М.Абдуллаева шаддолик қилиб, жойини ҳеч кимга бермади. У тумандаги ХТМФМТ ва ТЭ бўлими мудири М.Амановага турли тазйиқлар ўткази бошлади. Охир-оқибат, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабига зид равишда ўзига буйруқ чиқарилишига эришди. Устига-устак 1-МТМнинг мудираси лавозимига ҳам эга бўлди-ю, фурсатни ганимат билиб, муассасага ажратилган бюджет маблағлари ва отаналар бадалларини талон-торож қилишга киришди. Бу йўлда унга кўл остидаги ходимлари қўмақчи бўлишди. Жумладан, муассаса ҳисобчиси Н.Холиева билан тил би-

риктириб, икки йил давомида ўз номига ноқонуний равишда жами 11 млн. 956 минг сўм иш ҳақи ёздириб олди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Уриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низомда муассаса раҳбарларига ўриндошлик асосида ишлашга рухсат этилмаган бўлса-да, у жисмоний тарбия йўриқчиси, психолог ва кирчи вазифалари учун ўзининг номига табеллар тўлдирди. Натижада 3 млн. сўмдан ошмироқ иш ҳақига эга чиқди. Бу билан қаноатланмаган мудира яна ўрганган қилигини бошлади. Қўл остидаги ходимлар —


Шавкат ТОЖИБОВЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Пахтачи туман бўлими
суриштирувчиси

ҳисобчи Н.Холиева, хўжалик ишлари бўйича мудира С.Осотонова ва ҳамшира Н.Нормаматовалар билан жиноий тил бириктирди. Ноқонуний бойлик орттириш мақсадига расмий ҳужжат ҳисобланган кунлик таомномаларга сохта маълумотлар киритди. Сарфланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳақиқатда ишлатилганига нисбатан кўп кўрсатиб, ҳужжатларни қалбакилаштирди. Уларнинг бундай қилмиши оқибатида 74 ҳолатда жами 10 млн. 159 минг 200 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари талон-торож қилинди.

Мудира ва унинг шериклари томонидан йиллар давомида содир этилган қинғирликларга чек қўйиш фурсати етди. Суд ҳукми билан улар ўз жазоларини олишди.

Маишатбозликнинг интиҳоси

2014 йилнинг 26 сентябрь куни **Васила Давлетова** ҳар доимгидек эрта туриб, тўппа-тўғри спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган қовоқхонага йўл олди. У ерда таниши билан бир-икки соат маишат қилиши. Сўнгра улар эртага ҳам шу ерда кўришишга келишиб, уйларига кетишди. Эртасига **В.Давлетова** яна шу ерда спиртли ичимлик истеъмол қилиш билан банд эди. Кутилмаганда уни эски таниши — **Надя Степанова** кўриб қолди.



Муҳаммадсломиддин АХМАДЖОНОВ,
Анджон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

сида ўзини йўқотган, кўзлари олазрак, галлари узук-юлук **Надя** турарди.

— Динара, Динара... Бети оқариб кетибди. Кимирламай ётибди.

— Нима бўпти? Ха, ухлаётгандирда!

— Йўк, кимирлатиб кўрдим. Ёнбошга йиқилди. У нафас ҳам олмапти. **Васила** ўрнидан туриб, аёлнинг ёнига борди. Афсуски, **Динара** ҳаётдан кўз юмганди...

Икковлон нима қилиш кераклигини ўйлаб, бир қарорга кела олишмади. Ахйри, уй ёнидаги спиртли ичимликлар дўконига боришни афзал билишди. "Ароқ ичсак, мияга жўяли фикр келади", деб ўйлашди.

Қовоқхонада ўтирган **Васила** ўртага таклиф ташлади.

— Танишим **Толикни** биласанми?

— Йўк, — деди **Надя**.

— У одам ўлдириб қамалиб чиққан. Бунақа "криминаллар"ни яхши тушунади. Унга айтаман. Динарани ташқарига чиқариб юборишга ёрдам беради. Жасади йўқ бўлса, жиноят ҳам бўлмайди...

Уяли телефонни орқали **Толик** воқеа жойига чақирилди. Аммо эркак киши юқорига кўтарилишдан бош тортиди ва дастлаб жабрдийда ҳақиқатдан ҳам ҳаётдан кўз юмганига ишонч ҳосил қилиши учун аёлларни уйига жўнатиб юборди. Узи эса бу қилишнинг ўта оғирлигини сезгани боис, ҳуқуқ-тартибот идораларига кўнғирок қилди.

Суд ҳар икки жиноятчини узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилди.

қолди. Кайфи ошиб қолган меҳмонлардан бири — **Динара** уй эгаси билан даҳанаки жангни бошлаб юборди.

— Ароқ ва пивога берган пластик қани? Чеки билан бирга қайтар!

— Нима... Менга ишонмаяпсаними? Уйимда ўтириб, мени ўғрига чиқараяпсаними? Шунча вақтдан бери бирга ичяпмиз. Галингни қара-ю?!

Жанжал авж олди. Маст-аласт аёлларнинг куракда турмайдиган сўзлар билан бир-бирини ҳақорат қилишидан безовта бўлган кўшилар профилактика инспекторини чақирди. Ҳуқуқ-тартибот идораси вакили хонадон эшигини тақиллатди. Уй эгаси унга эшикни очмади-ю, жанжал тўхтатилишини ва бошқа шовқин-сурон солмасликни ваъда қилди.

Шундан сўнг аёллар яна маишатга берилишди. Тун ярмидан оқанда яна эски можаро алангалади. Келишмовчиликка барҳам бериш мақсадида **Васила** оғзига сув олиб, ҳар икки аёлга пуфлади. Усти ҳўл бўлиб кетган **Динара** кўйлагини ечиб қўйиб, фақат

ички кийимида қолди ва бундан аламзада бўлиб, энди жаҳлини **Василага** сочди. Ўртада яна даҳанаки жанг бошланди. Аммо **Васила** оғзаки таҳдидлар билан чекланиш ниятида эмасди. У хонадаги хўжалик пичогини олиб, уни **Динара**нинг қорнига санчди. **Динара** жароҳатидан кўрқиб кетиб, ҳовурини пасаитирди. Уй эгаси ва **Васила** латталар ёрдамида унинг қонини артишди. Шишада қолган ароқ билан жароҳатни ўзларича зарарсизлантиргандек ҳам бўлишди.

Шундан сўнг улар ҳеч нарса юз бермагандек, маишатни давом эттиришди. Шикастланган жойидан қон оқиши тўхтамаётган, аммо ароқнинг таъсирида оғриқни мутлақо сезмаётган ва ҳолат жиддийлигини англаб етмаётган **Динара** ҳам уларга қўшилди. "Дард устига чипқон", дегандек, саломатлигига жиддий зиён етган аёл спиртли ичимлик таъсирида шерикларига қўшиқ ҳам хиргойи қилиб берди. Шу тариқа учовлонни мудроқ босди.

Эрта тонгда **Василани** қимдир туртиб уйотди. Кўзини очганида, тепа-

Фирибгар ижрочи

У келишган пайтда **Марғилон** темир йўл вокзалига етиб борди. **Баҳромжон** миғиб келган "Нексия" машинасига ўтиргач, унга 300 АҚШ доллари, ҳуқуқшунослик коллежини битирган жиянининг дипломи ва ҳарбий гувоҳнома с нухсаларини берди.

— Бирданига ҳал бўлмайди, — деди **Баҳромжон** аёлга. — Бироз сабр қиласизлар. Танишлар билан гаплашиб, суд ижро департаментига ишга жойлаштириб қўяман. Ишга кириши учун манави ҳужжатлар керак, — дея рўйхатни узатди. — Қолганни кейин яна гаплашамиз.

— Тезлаштирасиз-да, жиянимнинг ота-оналари олдида хижолат бўлиб қолмай.

Аёл машинадан тушди. **Баҳромжон** моторни ўт олдириганида эса ўзларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари дея таништирилганлар у аёл билан нима ҳақда гаплашганини сўрашди. Ичидан зил кетган **Баҳромжон** боргани айтиб, ҳолислар гувоҳлигида ўзи ҳозиргина олган пулни топшириб. Фуқаронинг мурожаати асосида ўтказилган тадбирда 500 АҚШ доллари эвазига жиянини ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилган **Б.Сўпиев** жиноят устида ушланди. Машина салонидидаги торта, юкхона кўздан кеңирилиб, Тошлоқ туман суд ижрочилари бўлимига тегишли ижро варақаси ва иловалари, ижро иши юритиш қарори ва тўлов топшириқномаси, ижро иши ва бошқа ҳужжатлар олинди. Фарғона саноат қасб-хунара коллежиде юрист вазиғасида ишловчи йигит

ишига тааллуқли бўлмаган суд ижро ҳужжатларини нега олиб юрибди, деган савол туғилди.

Дастлабки терговда аниқланиб, суд мажлисида тасдиқланган ҳолатларга кўра, 32 ёшга кирган **Б.Сўпиев** муқаддам судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошлоқ туман суд ижрочилари бўлимида ишлаган. 2012 йил февраль ойда катта суд ижрочиси лавозимига тайинланган. Уша йили 1 август куни эгallaб турган лавозимидан бўшатирилган. Ишдан бўшаганидан кейин суд қарорлари билан тайинланган жарима жазосининг ижро ҳужжатларини дастак қилиб, қўлга киритган жарима пулларини ўз эҳтиёжларига сарфлайверган. Жарима ундирилганига оид ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиб, ўзича "текислаб" қўйган.

Хусусан, катта суд ижрочиси лавозимиде ишлаб турган пайтда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган **Х.Носировдан** ижро ҳужжати бўйича 171 минг сўм маъмурий жаримани нақд пулда ундириб, банк муассасасига топширмасдан ўзлаштирилган. Орадан кўп ўтмай **ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а"** бандида кўрсатилган жиноятни содир этган **А.Солиевдан** давлат фойдасига 15 млн.

417 минг 850 сўм ундиришига оид ижро иши билан ҳам шахсан ўзи шуғулланган.

— Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш корхонасиде иш юритувчи вазиғасида ишлаганман, — деди гувоҳ **А.Солиев**. — 2011 йилда судланганман. Менга жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди томонидан икки йил муддатга мансабдорлик лавозимиде ишладан маҳрум қилинган ҳолда, жарима жазоси тайинланган. 2012 йил баҳор ойда мени суд ижрочилари Тошлоқ туман бўлимига чақирди. У ерда катта суд ижрочиси **Баҳромжон** жаримани тўламасам, яна жиноий жавобгарликка тортишим ҳақида огоҳлантирди. Менга тегишли ҳисоб рақамларини берди. Шундан кейин **Миллий** банкнинг **Марғилон** шаҳар бўлимига 293 минг сўм топшириб, қиванциясини **Баҳромжонга** бериб қўйдим. У тўловни тезлаштиришни талаб қилди. Апрель ойда 1 млн. 400 минг сўм, турмуш ўртоғимнинг пластик картаси орқали 495 минг сўм тўлаб, қиванцияни катта суд ижрочисига топширдим. У икки марта уйимга бориб, банкка 3 минг топшириб қўяман, дея 3 млн. ва 3 млн. 300 минг сўм пулларини олиб кетди. Пластик картадан яна 500 минг сўм тўлаб қўймоқчи бўлиб, **Баҳромжонга** телефон қилсам, "Картани менга беринг, ўзим тўлаб қўяман", деди. Келаси куни қайтариб берганида, пластик

Мирзобедил НАЗАРОВ,
Марғилон шаҳар прокуратураси катта терговчиси

картада пул қолмаган эди. **Баҳромжон** қолган 6 млн. 400 минг сўмни ҳам тез тўлаб қўйишимни тайинлади. Май ойда суд ижрочилари Тошлоқ туман бўлимига бориб, жариманинг қолган қисмини нақд пулда унга бердим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, у менга тўлов қиванцияларини бериб кетди... Жаримани фақат банк муассасасига топшириш кераклигини билмаганман. Катта суд ижрочиси бўлиб ишлагани учун унга ишониб қолганман...

Баҳромжон Сўпиев юқоридеги тарзда алдаб, пўлиса қилиб, қўлга киритган жами 13 млн. 239 минг 830 сўм жарима пулларини банк муассасасига топширилгани ҳақида қиванцияларга сохта ёзувлар киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборди. Ишдан бўшатирилганидан кейин ҳам ўзида олиб қолган ижро ҳужжатлари бўйича жавобгарлардан ундириб олган жарималарни нақд пулларда ўзлаштириб, талон-торож қилишдан иборат жиноий қилмишларини давом эттириверади.

2012 йилнинг сентябрь ойда "Дамас" автоматинасиде лицензиясиз аҳолига пуллик хизмат кўрсатгани учун суд томонидан фуқаро **Қ.Қорабевга** 217 минг сўм жарима жазоси тайинланади. Унинг уяли телефонига кўнғирок қилган

Б.Сўпиев жаримани тўлаб қўйишни талаб қилади. Сўнгра **Ахшак** қишлоғидеги автоустанхона ёнида кўришиб, тез тўлаши зарурлигини айтиб, шоширади. "Қўйналиб турибман", деса, "Эртага Тошлоқ суд ижрочилари бўлимига боририча пул ва маҳалла фуқаролар йиғинидан маълумотномани олиб бординг", деб тайинлайди. Келаси куни **Қ.Қорабев** ҳам кўнада **Б.Сўпиевга** 150 минг сўм ва **МФЙдан** олган маълумотномани топшириб кетади. Тўлов қиванциясини сўраб олиш эса хавлига ҳам келмайди. Шунингдек, **Б.Сўпиев** суд томонидан жарима жазоси тайинланган фуқаро **Ф.Жалолова** ҳам ўзини суд ижрочисиде, деб таништириб, унинг 361 минг 775 сўм пулни қўлга киритади. "Квиванцияни эртага ёзиб бераман", дея алдайди. Аёл икки-уч марта талаб қилганидан кейин жарима банкка тўлангани ҳақида сохта қиванцияни бериб қўяди. Алдаб, нақд олган жарима пулларини эса жигилдонига уради.

Ўзганинг мулкни ўзлаштириш, фирибгарликдан ташқари **Б.Сўпиев** пора олиш жиноятига ҳам кўл уради. Фуқаролардан бирига ўзини Тошлоқ суд ижрочилари бўлими ходими, дея таништиради. Ўртада воситачилик қилиб, 500 АҚШ доллари эвазига жиянини суд ижрочилари департаментининг биронта бўлимига ишга жойлашга ишонтиради. "Аваллига 300 АҚШ доллари, ишга кирганидан кейин 200 АҚШ доллари берасиз", деб авайди. 300 АҚШ доллари миқдориде порани олган пайтида ушланади.

Суд товламачи фирибгарга қилмишига мувофиқ жазо тайинланади.

Жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг муҳим жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати иштирокдорларнинг илк қўлида келди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелда қонуний қўлга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 2015 йилга қадар ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан 58 та қонун қабул қилинган бўлса, улардан 12 таси бевосита жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чаканга 6-сессиясида қабул қилинган ва амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичини бошлаб берди. 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди.

Ушбу қонун асосида янги "ярашув институти"нинг жорий этилганлиги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш сари қўйилган жиддий қадам бўлди. Мазкур институтининг амалиёт-

га татбиқ этилиши, суд-ҳуқуқ ислохотининг энг муҳим йўналишлари — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш механизмини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилди.

Шунингдек, ўтказилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги учун айбдор шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланадиган бўлди.

Президентимизнинг оқилона сиёсатлари натижасида энг аввало, жазоларнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик каби тамойилларининг кучайиши ва амалда қўлланиши таъминланмоқда.

Жиноят кодексининг айрим моддаларида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо қўлланилмаслиги белгиланди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо қўлланилган шахслар 2009 йилда 2000 йилдагига нисбатан 53,5 фоиз қисқарди. Яъни судланганлик ҳолати сўнгги тўққиз йилда 20,4 фоизга қамайди. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 16 мингга

яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамок ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тартибидеги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг бир неча моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 2001 йил 29 августда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, жиноятларнинг таснифи тубдан қайта қўриб чиқилиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси бир мунча кенгайтирилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда

беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилди.

Жиноят қонунчилиги ва жазо тизимини либераллаштириш вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қоралар белгилашда инсонпарварлик, раҳмдиллик руҳи билан суғорилган нормаларнинг устуворлигини белгилаб қўйди. Бу қатлам ичида вояга етмаганлар алоҳида диққат-эътиборни талаб қилади. Одатда вояга етмаган шахс ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлиги, онги ва иродаси тўлиқ шаклланимаганлиги сабабли ишонувчан, бошқалар таъсирига берилувчан бўлади. Шу сабабли ҳам либераллаштириш асосида киритилган нормаларда вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган.

Мухамадали ҚИРФИЗБОЕВ,
Бош прокуратуранинг ОУК
тинловчиси

Республикаимиз Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Конституциямизнинг 13-моддасида инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият эканлиги, 24-моддасида эса яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, унга таъвоуз қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

2008 йил 1 январдан бошлаб мазкур жазо тури жазолар тизимидан чиқариб ташланиб, ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланила бошланди. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига инсонпарварлик принципига амал қилинишининг олий ифодаси эканлигидан далolat беради.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлди.

Банкротлик институти

унга оид қонун ҳужжатларининг такомиллашуви

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жиҳатдан тўловга қобилиятли тадбиркорлик субъектларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан тўловга қобилиятли тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга орттиб бормоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини банкротликдан сақлаб қолиш ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида иштирок этувчи субъектларнинг тўловга қобилиятсизлиги аҳолига тушишининг олдини олиш, иқтисодий ночор ҳолатга тушган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан банкротлик институти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, банкротлик институтининг аҳамияти кўйидигиларда намойён бўлади:

Биринчидан, банкротлик институти орқали тўловга қобилиятсиз бўлган субъектлар билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган субъектларнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинади;

иккинчидан, тўловга қобилиятсиз бўлган тадбиркорлик субъектлари билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришган бошқа тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатлари банкротлик тартиб-таомили қўлланилиши натижасида таъминланади;

учинчидан, давлат банкротлик институти орқали тўловга қобилиятсиз бўлган тадбиркорлик субъектларини аниқлаб, уларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган турли дастурлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Гувоҳ бўлганимиздек, банкротлик институти шартномавий-ҳуқуқий муно-

сабатларга киришувчи ташкилотлар билан бирга банкрот ташкилотнинг ўзи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, "Банкротлик" атамаси қадимий итальян сўзларидан келиб чиққан бўлиб, "banca" -курс, "rota" -синган, яъни "синган курс" деган маънони англатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда банкротликнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июлдаги "Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмининг такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги "Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги, 2009 йил 11 июлдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2013 йил 14 августдаги "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ва

Жўрабек РАЖАБОВ,
Бош прокуратуранинг ОУК
тинловчиси

бошқа меъёрий ҳужжатлар ташкил қилади.

Ўз навбатида, банкротлик билан боғлиқ муносабатлар 1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган.

Ушбу қонун мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида уч маротаба янги тахрирда қабул қилинган. Мазкур қонуннинг дастлабки тахрири 1994 йил 5 майда қабул қилинган бўлса, унинг иккинчи янги тахрири замон талабларидан келиб чиққан ҳолда 1998 йил 28 августда ҳамда амалдаги янги тахриридаги 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган.

Ўз навбатида, банкротлик соҳасида ўтган давр мобайнида банкротлик тартиб-таомилларини янада соддаллаштиришни назарда тутган қўйдаги муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилган:

— 2005 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонунга мувофиқ киритилган қўшимча ва ўзгартишлар билан "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга корхона (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пайсайтирилиши мумкинлиги, бироқ бунда пайсайтириш аввалги кимосиди савдосидаги нархнинг 10 фоиздан кўп бўлмаслиги кераклиги белгиланди;

— 2009 йил 7 апрелда киритилган ўзгартишлар билан юқорида қайд этилган қонунга қонун ҳужжатларида айрим қардор корхона (бизнесни) ёки унинг мол-мулкы бир қисмини

банкларга сотишда бошқача тартиб назарда тутилиши мумкинлиги мустаҳкамланди;

— 2010 йил 17 сентябрда киритилган қўшимча ва ўзгартишлар билан корхона (бизнес) сотилаётганида қардорнинг мол-мулкни баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилиши, унинг хизматига қардорнинг мол-мулкы ҳисобидан ҳақ тўланиши, баҳоловчи ташкилот кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланиши назарда тутилди;

— 2012 йил 25 декабрда киритилган қўшимча билан "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга банкрот ташкилотнинг молиявий аҳолини янада оғирлаштирмаслик мақсадида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўғрисидаги қўшимча мустаҳкамланди;

— 2014 йил 4 сентябрда киритилган муҳим қўшимчалардан бири бу банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар банкротлик тўғрисидаги ишда қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил жараёнида ҳўжалик судига сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимоснома билан муурожаат қилиши мумкинлиги ҳақидаги қондининг мустаҳкамланганлиги ҳисобланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда банкротлик оид миллий қонунчилик янада такомиллаштирилиб, бу ўз навбатида бир тарафдан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган ҳўжалик юритувчи субъектларни, иккинчи тарафдан эса, иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Кишлоқ одамлари содда, самимий, кўнгли очик. Улар йиғиб қўйган давлати билан эмас, балки оғилхонасида боғлаб қўйилган соғин ситгири-ю, боқувдаги хўжизи билан мақтанади. Рўзгорининг бутлиги, дастурхони тўқиналиги ҳам мол-чорваси билан.

Тунги меҳмонлар

Феруз ОЧИЛОВ,
Вобкент туман прокурори

Вобкент туманидаги "Фарибшоҳ" кишлоқ-қишлоқда яшовчи Шавкат Нуруллаев 2014 йил 10 февраль кун эрталаб оғилхонасига кирди-ю, донг қотди. Бир эмас, уч бош қорамолининг қозиги бўм-бўш эди. Пулга чакса, бир неча миллион сўм!

"Мол аччиги, жон аччиги." Орадан 10-12 кун ўтиб, қуйиб қолганлар сафига Бухоро туманидаги "Туркон" кишлоқлик Анвар Гадовев ҳам қўшилди. Унинг молхонасидаги икки бош қорамоли ҳам ўғирлар ўлжасига айланган эди.

Фуқароларни доғда қолдириб, жиноят содир этаётган гуруҳда олий маълумотли Акрам Шаропов ва унинг ҳамтовлари Шаниёр Исломов, Бекзод Ражабов, Рашид Тўхтаевлар бор эди. "Кўр-кўрни қоронғуда толгани"дек, ҳеч қаерда ишламайдиган, меҳнатдан қочиб қинғир йўл билан кун кўришни касб қилиб олган жиний гуруҳ аъзолари Вобкент, Ғиждувон, Шофиркон туманларининг турли кишлоқларида яшовчи одамларнинг чорва молларини тунда ўғирлаб, қундузи бозорда арзон нархда пуллаб, чўнтақларини қаппайтириб юраверишиди.

Энди ўғирлар қўшни Навоий вилояти Кармана туманининг Кумрабод, Қора-

жон, Тошработ кишлоқларидаги хонадонларни ҳам овлай бошлашди.

Уларга А.Шароповнинг бошқарувида бўлган, аммо ўз номига расмийлаштирилмаган "УАЗ" русумли автомашина беминнат хизмат қилиб турди. Жиний гуруҳдан ҳеч кимнинг, ҳатто олий маълумотли Акрам Шароповнинг ҳам ҳаёлига: "Бузоқнинг югургани сомонхонагача", дейилган халқ нақли умуман келмади.

Ўғирлар жилла курса "Кўза кунда эмас, кунда синиши мумкин"лигини ҳам тамоман унуттиди. Ўғирликдан топаётган даромадлардан эсанкираб қолган, қўл-оёғи бутун-у, бироқ тафаккури дангаса йиғитлар 19 та хонадондан чорва молларини ўғирлаб, сотиб юборишди.

Хуқук-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиний гуруҳнинг қилмишлари фош этилди. Бировнинг моли ҳисобига яшаётган бу кимсаларга жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг ҳукми билан қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди. Жабрланувчиларга келтирилган зарарлар қопланди.

Инсон ёши уағғани сари ақли ҳам тиниқлашиб боради. Ҳаётнинг турли синовлари орқали эса турмуш таржибасини бойитиб, яхшию ёмонни, оқ ва қорани англашни ўрганади. Бироқ, ҳаққимизда "ақл ёшда эмас, бошда" деган ҳикмати ибора ҳам бежизга айтилмаган.

Ўқишга киритиш «шарти»

Мунаввар Ҳамроева мукаддам ҳам судланиб, амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ афв этилган эди. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган кўрилади. Бўлмаса, шу ёшда жиноятга қўл урармиди? Бир кун жиззахлик М.Аҳмадҷонова билан танишиб қолди-ю, ўзаро суҳбат чоғида Мунаввар "ёшларни ўқишга киритиш" билан шугулланишини айтиб, уни ўзининг фириб гирдобига тортиди.

Бир танишимнинг жияни ўқишга кирмоқчи эди, ёрдам берасизми? — сўради М.Аҳмадҷонова.

— Албатта, ёрдам қиламан. Давлат тест марказида ишлайдиган танишларим бор, — оғиз қаппиртирди Мунаввар Ҳамроева.

М.Аҳмадҷонова уни Жиззах шаҳрига таклиф қилди. Орадан бироз вақт ўтиб, М.Аҳмадҷонова келишилганидек Жиззахга келди. У ерда М.Аҳмадҷонованинг таниши Ш.Саъдуллаева билан учрашди.

Иқбол ҚАМБАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

— Жиянингизни албатта Жиззах Давлат педагогика институтининг "Жисмоний тарбия" факультетига ўқишга киритиб бераман, — деб қол-қоп ваъдалар берди.

Унинг гапларига ишонган Ш.Саъдуллаева 2700 АҚШ доллари бериб юборди. Бу пуллар эса Мунавварнинг эҳтиёжлари учун сарф бўлиб кетди. Тест синовлари ҳам бўлиб ўтди. Аммо Ш.Саъдуллаеванинг жияни тестдан ўта олмади. Мунаввар эса турли баҳоналар тўқишда давом этди, ўзини оқлашга уринди. Жабрланувчилар ўзларининг соддадиллигидан пушаймон бўлишганда эса уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёрдам беришди. Мунаввар Ҳамроева қилмишига яраша жазога тортилди. Шунингдек, жабрланувчига етказилган зарар қопланди.

Текин лўқма томоқ йиртар

Ҳамма нарсадан, ҳатто диёнатдан ҳам пулни устун қўядиган, нафсини енголмайдиган кимсалар кўнглини бойлик васвасаси тез-тез безовта қилиб туради. Пул ҳалол меҳнат билан топилсагина, баракали бўлишни биладиганларга эса бундай истак бегона.

2014 йилнинг март ойига қадар нуфузли соҳа — божхона тизимида ишлаб келган Фаррух Боймирзаевни ҳам меҳнатсиз топиладиган пуллар қизиқтириб қўйди. Чунки у хизматдалигида — "Косонсой божхона пости"нинг юқларни божхона кўригидан ўтказиш, рўйхатга олиш ва расмийлаштириш гуруҳи инспектори бўлиб ишлаб турган вақтда юқларини тегишли текширувларсиз ўтказиб юборса, фалон сўмини пора сифатида берадиганлар топилди турарди.

Кўпинча илтимосларга қулоқ солмасди, лекин бир кун шайтон ўз ишини қилди.

Уша кун у хизматда эди, ёнига "Кобалт" русумли автомашина келиб тўхтади. Ундан Исмоил Ҳайитбоев тушиб, Фаррух билан қуюқ сўраса кетди. Ниҳоят, мақсадга ўтди: — Битта кичкинагина "Форд" да юкимиз бор. Шунинг ўтказиб юборсангиз, айтиганинчи берадирки... — Юк ўзи нима? — Телевизор ва кабеллар... — Қанча? — 282 та телевизор ва озроқ кабел, холос... — Ўтказиб юборсам, қанча берасиз? — Айтинг, кўнглингиздагини! — 400 минг бера оласизми? — Келишди, фақат муаммо бўлмаса бўлган. Кейинчалик ҳам ака-ука бўлиб қоламиз. — Машина эртага тушлик

вақтида келсин. Фақат эшик очиладиган томонга бўш қутиларни жойлаштиришлар, тушунарлими? — Тушундим, раҳмат сизга! Эртаси кун тушликка яқин божхона постига қизил рангли "Мерседес-Бенц" русумли юк автомашинаси келиб тўхтади. Машинада ҳайдовчи ва унинг шериги бор эди. Уларнинг нигоҳлари маъноли тарзда учрашди. Постнинг биринчи текширув қаторида турган Фаррух ҳайдовчига "ўтавер" ишорасини қилди. Ҳайдовчи газни босди, аммо ўн метрлар чамаси юрмай туриб, иккинчи божхоначи машинани тўтатди.

Ҳайдовчи Фарруҳга мўлтираб қаради. Фаррух "иложим қанча", дегандек елка қисди ва чиқмаган жондан умид деганларидай, машинанинг юқхонасини очишни талаб қилаётган ҳамкасбининг қулогига шивирлади: — Оғайни, кел, шу ишининг қўй, ўтказиб юборайлик. Сени ҳам рози қилишади... Ҳамкасби унга ажабланиб бир қараб қўйди-да, хизмат вазифасини давом эттириб, кўзлари олма-кесак тераётган ҳайдовчига буорди: — Юқхонани очинг! Юқхона очилгач, бўш қутилар кўзга ташланди. Бироқ постдаги йигит машина гилдакларига назар ташлади, — Бўш қутилар ортида нима бор? — деб сўради.

Адҳамжон ИКРАМОВ,
Косонсой туман прокурори ёрдамчиси

— Б... Билмадим. Юкка анави жавоб бераман, деган, — талмовсиради ҳайдовчи ва шу ергача унинг ёнида келган йигитни ахтара бошлади. Аммо у аллақачон жуфтакни ростлаб қолганди. Бундан ваҳимага тушган ҳайдовчи Комилжон Аҳмадҷонов ҳам воқеа жойидан қочишга уринди...

Текширувлардан сўнг юк машинасидаги бўш қутилар ортига Хитойда ишлаб чиқарилган 282 дона рангли телевизор ва 2 турдаги электр кабеллари яширилгани ва бу маҳсулотлар ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасидан олиб қирилгани аниқланди.

Ноқонуний маҳсулотлар беш йигитнинг "қора курси"га ўтиришига сабаб бўлди. Ўз хизмат вазифасидан қасддан фойдаланиб, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кўпол равишда бузиб, жиноят содир этган Фаррух Боймирзаев суд ҳукмига кўра узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди. Исмоилжон Ҳайитбоев, Азизбек Азизхўжаев, Санжар Аситхўжаев, Комилжон Аҳмадҷонов ҳам қонунда белгиланган жазога тортилдилар.

Шунинг айтидилар-да, "Текин лўқма томоқ йиртар" деб. Ҳалолликни менсимасан, қонунни писанд этмаганларга жазо муқаррар.

Машина қани?

Сухроб МАДЖИДОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Давлат Мақсудов мукаддам тўрт бора фирибгарлик, машина ўғирлаш ва бошқа бир қанча жиноятлар содир этганлиги учун судланган. Шундай бўлса-да, у бундан хулоса чиқармади. Бу сафар яна машина ўғирлади...

Бозорни айлиниб юрган Давлат Наби билан танишиб қолди:

— Алишер исми кишини излаб юрибман. "Nexia" русумли машина бор. Шунинг "кредит" га бермоқчиман. Танимайсизми? — деди Давлат.

— Танимас эканман. Қанчага сотмоқчисиз ўзи? Келишас, балки мен оларман, — қизикди Наби.

— Мен айтган нархнинг бир қисmini ҳозир, қолганини уч йил ичида берсангиз бўлди.

— Бу менга маъқул бўлапти. Олиб келинг-чи. Наби Давлатга манзилини айтиб, телефон рақамини берди. Улар хайрлашгач, Давлат: "Иш пишди, энди машина топши керишди", дея режа тузишга киришди. Эртасига шаҳар бозорларининг бирига бориб, машина излади. У кўзлаган машина тезда топилди.

Азим отасининг машинаси билан туманларга қатнаб, киракашлик қиларди. "Тайлоққа кетамиз, Тайлоқ!", "Тез кетамиз!", деб турган эди ҳамки, ёнида Давлат пайдо бўлди.

— Тайлоққа бораман. Бошқа одам олмайсиз. Айтган пулингизни бераман, — деди у. Ҳайдовчи рози бўлди. Улар шаҳардан чиқиб, Тайлоқ тумани ҳудудида киришди. — Сигарет олмоқчи эдим, шоммаясизми? — Бемалол, бемалол, — деди Давлат. Асли нияти ҳам қулай фурсат қутиш эди.


Азим дўкон атрофида машиналар кўплиги учун олисроққа тўхтади. Узр сўраб, ҳозир келишини айтиди-да, дўконга қараб кетди. Давлат қараса, қалит жойида. Дарров ҳайдовчининг ўрнини эгаллаб, газни босди. Азим қайтиб келиб қараса, машинаси йўқ. Дархол ички ишлар бўлимига хабар қилди.

Бу пайтда Давлат Набига телефон қилиб, машинани олиб бораётганини айтиди. "Устахонада кутаман", деди Наби манзилни тушундириб.

— Яхши, "заправка"га қираман. Сўнг бир соатларда етиб бораман, — деди йигит.

Кейин катта йўлнинг ёнида жойлашган автомобильларга ёқили қуйиш шохобчасига бурилди. Машина кўп экан, навбати келишини кута бошлади. Шу пайт етиб келган ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимлари уни қўлга олишди.

Суд ҳукми билан Давлат Мақсудов 5 йил-у 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум қилинди.



Аъёнага айланган прокуратура фахрийлари ва ёш мутахассисларнинг учрашувлари, лавра сўхбатлари давом этмоқда.

Давра суҳбати ўтказилди

Жорий йилнинг 4 май куни Республика Бош прокуратура-си ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг мажлислар залида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг бўлим бошлиқлари ва прокурорлари билан Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувга прокуратура фахрийси Рустамбек Ҳақимов таширф буюрди. Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази раиси Ботир Калонов Марказнинг ташкил этилганидан ҳозирги кунга қадар олиб борилаётган ишлар, прокуратура раҳбариятининг кўрсатаётган эътибори, фахрийларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўн Ботир Калонов қатнашчиларга Рустамбек Ҳақимовнинг меҳнат фаолияти ҳақида гапириб берди.

Рустамбек Ҳақимов прокуратура тизимида 40 йилдан ортқ фаолият юритган. Жумладан, Андижон шаҳар прокуратурасининг терговчиси, Тошкент вилоят Заңгиота туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида

бўлим прокурори, катта терговчи, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлим прокурори, катта прокурори, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим бошлиғи, Чилонзор туман прокурори, Сергели ва Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилган.

Айни пайтда Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Марказининг Тошкент шаҳар бўлими раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рустамбек Ҳақимовнинг кўп йиллик меҳнат фаолияти ҳукуматимиз ва Республика Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, Мустақиллигимизнинг бир йиллиги ва 20 йиллиги эсдалик нишони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўркак нишони билан тақдирланган.

Очқ мулоқот тарзида ўтган ушбу учрашув сўнггида қатнашчиларнинг саволларига жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз

Одам савдоси — давр муаммоси

Термиз шаҳридаги 13-умумтаълим мактабида "Қамолот" ЁИҲ вилоят кенгаши "Маънавий-маърифий лойиҳалар" бўлими етакчи мутахассислари, Сурхондарё вилоят "Барқарор ҳаёт" ижтимоий-маърифат маркази, Термиз шаҳар ИИБ ходимлари, шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакили, "Алпомиш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда ота-оналар, ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида "Одам савдоси — башарият муаммоси" мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар давомида ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Семинар иштирокчилари бугунги кунда халқаро миқёсдаги муаммога айланган одам савдоси жиноятининг мақсади, унинг бошқа жиноятлардан фарқи, одам савдоси жиноятининг қурбонлари ҳақида гапириб, унинг хавфидан қандай ҳимояланиш тўғрисида ўқувчиларга тушунчалар беришди. Шунингдек, семинарда "Алданган аёл" фильми намойиш этилиб, унинг мазмуни таҳлил этилди.

Тадбир якунида ўқувчиларга "Барқарор ҳаёт" ижтимоий-маърифат маркази ходимлари томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича ахборот-маълумот тарқатилди.

Гулчехра АШУРОВА,

Термиз шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби директори ўринбосари



Нафс гирдобига тушганлар



Нафиса ЖУРАЕВА,
Заңгиота туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

Юртимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни маънан ва жисмонан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Тизимни ривожлантириш йўлида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар эса навқирон авлоднинг замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия олиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, ораимизда давлатимизнинг шундай гамхўрлигидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб, нафсининг измига бўйсунган кимсалар ҳам учраб турибди. Заңгиота туманидаги академик лицейда мураббий бўлиб ишлаган Гулнара Алимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шундайлардан бири бўлиб чиқди. Ўтган йилнинг май ойида унинг олдида бир аёл келиб, жияни шу лицейда ўқиш истасида эканлигини айтиб, ёрдам сўрайди. Г.Алимова бу борада академик лицей директори билан гаплашиб кўришини айтади. Орадан бир неча кун ўтган, Г.Алимова у билан учрашиб, ушбу "хизмат" учун 800 АҚШ доллари беришни сўрайди. Аёл эса "савдолашиб", "хизмат ҳақи"ни 700 долларга туширади. Лекин бу пул тамағирга юқмади. Икки аёл "олди-бер-

ди" қилиш учун учрашиб, Г.Алимова 700 АҚШ доллари-ни пора тариқасида олаётган пайтда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ушланади.

Тоҳир Маждидов ҳам ўтган йилнинг январь ойида Заңгиота туманидаги касб-хунар коллежларининг бирда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасини бажарувчи лавозимига тайинланди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Аслида у синиқ даврида таълим самарадорлигини ошириб, ўзининг мазкур лавозимга муносиб эканлигини кўрсатиши талаб этиларди. Бироқ бу кимса ҳам нафсининг кўткусига изн берди. Июль ойининг ўрталарида пойтахтда қашқадарёлик Муқаддас исми аёл билан танишиб қолади. Аёл унга жиянини Тошкент вилоятидаги бирорта касб-хунар коллежга ўқишга киритиш нияти-

да юрганлигини айтганида Тоҳирга "жон қиради". У коллежда раҳбарлик лавозимида ишлашни айтиб, аёлга қўл телефони рақамини беради. Шу билан бирга, вилоятлардан коллежга ўқувчилар қабул қилинаётганлигини, агар кимдир ўқишга кирмоқчи бўлса, шу рақамга мурожаат қилиши мумкинлигини айтади. Кўп ўтмай унга Соҳиба Ўлмуродова кўнғироқ қилиб, жияни ўқишга кирмоқчилигини билдиради. Тоҳир Маждидов ундан жиянини ўқишга киритиб қўйиши учун 500 АҚШ доллари тама қилади. Улар 1 август куни тумандаги бозорда учрашадилар. Бироқ, Т.Маждидовнинг текин бойлик орттириш мақсади пуч ҳаёлга айланади. У қўлларини пулга эмас, кишанга узатишга мажбур бўлди.

Ҳар иккала ҳолат бўйича суднинг ҳукми эълон қилинди. Унга кўра, айбланувчилар ўз қилмишларига яраша жазо олишди.

Хулоса қиладиган бўлсак, биз буюк келажак сари қадам ташлаёмиз. Уни қурувчилар эса ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб тарбияланиши даркор. Бу эса нафақат соҳа ходимларининг, балки юртимиз фуқароларининг зиммасига катта масъулият юкляди. Шундангина кўзлаган мақсадимизга етамиз.

Валютафурушликнинг миси чиқди



Алишер ХОЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси бўлим
бошлиғи вазифасини бажарувчи

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан валютага оид жиноятларни аниқлаш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фож этиш борасида ўтказилаётган тезкор талбирларга қонунбузилмиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, енгил даромад топиш илнжиде қинғир ишга қўл урган фуқаролар Нодир Абдувоҳидов, Санжар Ниёзов ва Ҳамид Назаровларнинг "долларфурушлик" фаолиятига ҳам чек қўйилди. Улар валюта қимматликларини республикамизда ноқонуний муомалага киритиш, сотиб олиш, айирбошлаш жиноят эканлигини билсалар-да, мақсадларидан қайтишмаган. Улар 6250 АҚШ доллари 25 млн. сўмга сотаётган вақтда департаментнинг Чиноз туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Фуқаро Шерзод Машанло ҳам меҳнатсиз даромад топиш йўллариини излай-излай, қонунга хилоф равишда хориз валютаси олди-сотдиси билан шуғулланиб, фойда олмоқчи бўлганлардан бири экан. СВОЖДЛҚК департаментининг Уртачирчиқ туман бўлими ходимлари томонидан ҳудудда ўтказилган тезкор тадбирда автомашинаси ичиде 7400 АҚШ доллари 21 млн. 460 минг сўмга сотаётган Ш.Машанло ашёвий далиллар билан ушланди. Мазкур қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди ва суд томонидан жазо муқаррарлиғи таъминланди.

Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Азиз Исмаилов, Одил Анваров ва Дилшод Ботировлар ноқонуний равишда 14 минг 700 АҚШ долларини 43 млн. 512 сўмга сотаётган вақтда қўлга олинган. Текширув давомида ҳуқуқбузарларнинг ёнида сотиш учун тайёрлаб қўйилган 16 минг 320 АҚШ доллари ҳамда 3 млн. сўм пул борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилган. Мазкур ҳолат бўйича суд ҳукми билан жазо муқаррарлиғи таъминланди.

«Насаф» ҳам гуруҳдан чиқа олмади

Бу мавсум халқаро майдонларда иштирок этётган клубларимиз учун муваффақиятсиз келди. «Бунёдкор» ва «Локомотив» клублари бироз аввалроқ гуруҳдан чиқиб имкониятини қўлдан чиқаргани боис, мухлислар «Насаф» ҳамда «Пахтакор»нинг кейинги босқичга ўтишига умид қилишган эди. Бирок гуруҳ ўйинларининг сўнги турида Саудия Арабистонининг «Ал-Ахли» клубини қабул қилган қаршиликлар рақибни мағлуб эт олмадилар.



Учрашувни Рўзиқул Бердиев шогирдлари жуда фаол бошлади. Бирин-кетин ташкиллаштирилган ҳужумлар меҳмонларга қийинчилик туғдирган бўлса-да, рақиб дарвозасини ишғол этилмай қолаверди. Биринчи бўлимининг ўзида «Насаф» клуби футболчиларида гол уриш учун учта жуда қулай имконият бўлди. Аммо қаршиликлар яратилган вазиятлардан унумли фойдалана оlishмади.

Иккинчи бўлимин эса «Ал-Ахли» клуби футболчилари фаолроқ бошлади. Сал бўлмаса рақиблар Элдорбек Суёнов дарвозасини ишғол қилдилари мумкин эди. Уйиннинг иккинчи қисмида бироз қийинчилик билан бўлса-да, ташаббусни қўлга олган майдон эгалари рақиб дарвозаси яқинида бирин-кетин хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Аммо зарбаларда аниқлик етишмади.


Учрашувнинг 71-дақиқасида эса мезбонлар сафидаги энг фаол ўйинчилардан бири Баҳром Абдурахимов рақиб дарвозасини қўполлик ишлатгани учун майдондан четлатилди. Сон жihatдан кам бўлиб қолганига қарамай майдон эгаларида рақиб дарвозасини ишғол этиш учун имкониятлар бўлди. Бирок яна уша камчилик, юзага келган вазиятдан унумли фойдалана ол-



Узоқ кутилган жанг АҚШнинг Лас-Вегас шаҳридаги «MGM Гран» аренасида ярим ўрта вазн тоифаси WBC, WBA ва WBO йўналишлари чемпионлик камари учун замонамизнинг икки буюк боксчиси — Флойд Мэйвезер ва Мэнни Пақьяо ўртасида «аср жанги» ўтказилди.

Бу тўқнашувни бокс ишқибозлари анчадан буён интиқлик билан кутитаётган эди. Бирок жанг жуда қизиқарли бўлди дея олмаймиз. Аслини олганда ҳам, бугунги кунда спортнинг қайси турини олманг, барчаси тактикага, аниқ ҳисоб-китобларга асосланиб бормоқда. Бунда биринчи ўринга натижа чиқиб, жозибача бироз йўқолиши мумкин. АҚШда ўтказилган икки буюк боксчилар ўртасидаги тўқнашувда ҳам спортчилар асосий эътиборни натижага қаратишди.

Ўн икки раунд давом этган жангда филиппинлик боксчи катта иштиёқ билан ҳаракат қилди. Аиникса, жангнинг ўрталарида у бир неча бор давомий зарбаларни амалга ошириб, рақибини қийин аҳволга солиб қўйди.



Флойд Мэйвезер эса асосан қарши ҳужумда ҳаракат қилди, яққалик зарбалар орқали очко йиғишга эътибор қаратди. Жанг якунида учала ҳакам бир овоздан Мэйвезерни голиб дея эълон қилишди. Шу тариқа Пақьяо ҳисобига иккинчи мағлубият ёзилган бўлса, Мэйвезер 48-ғалабасини тантана қилди. У ҳамон мағлубият нималигини билмаган боксчи бўлиб турибди.

Жангдан кейин у ўз фикрини билдиран экан, Мэнни Пақьяо бу жангда мағлуб бўлмаганлигини айтиб ўтди. «Мен бугун ғалаба қозондим. Ҳужум қилдим, бир неча зарбалар бердим. Мэйвезер эса фақат ҳимояланди ва ринг бўйлаб менинг ҳужумларимдан қочди. У кучли боксчи, унинг ўнг қўлдаги бериладиган зарбаларини кутганим. У мени ҳеч бир жиҳати билан ҳайрон қолдирмади. Яна тақрорлайман, мен бугун ғалаба қозондим», — дейди филиппинлик боксчи.

Кунни кеча пайдо бўлган хабарларга қараганда, Флойд Мэйвезер Мэнни Пақьяо билан реванш ўтказишга рози бўлган. Бу ҳақда New York Daily News нашри хабар бермоқда. Нашрнинг маълумотларига кўра, Мэйвезер «аср жанги»га тайёргарлик кўриш жараёнида филиппинлик боксчи томонидан орттириб олинган жароҳатнинг тузалишини кутиб туришга тайёрлигини маълум қилди.

Пақьяо яқин орада операция қилинган, шундан сўнг тикланиши учун 9-12 ой зарур бўлади. Флойд билан Мэнни ўртасидаги иккинчи жанг 2016 йилнинг май ёки сентябрь ойида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Пақьяо ўз жароҳати ҳақидаги ҳақиқатни Невада штатининг Атлетика комиссиясида анкетадан ўтиш пайтида яширгани учун филиппинлик боксчиға жарима солиниши ёки бошқа катъий чоралар кўрилиши мумкин.

Аввалроқ 38 ёшли Мэйвезер ўзининг охириги жангини шу йилнинг сентябрь ойида ўтказишини, сўнгра 66,68 килограмм вазн тоифасидаги ўзининг барча чемпионлик камарларидан (WBA, WBO, WBC) воз кечишини маълум қилганди.

Эслатиб ўтамиз, 2 май кунини бўлиб ўтган жангда спортчиларнинг гонорарлари бокс тарихидаги рекорд суммаси ташкил этди: Мэйвезер 180 млн. доллар, Пақьяо 120 млн. доллар олган.

Реклама (эълон)

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 30 сентябрдаги 170и/ч-сонли буйруғига асосан, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг савдоларига чиқарилиб, 2015 йил 5 мартда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ ҳудудида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 0,0753 га., қурилиш остидаги участка майдони 40,32 кв.м., алоҳида турган «Заградмаркер» радиоузелининг бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 56 464 000 сўм, сотилиш баҳоси — 71 500 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган

Huquq yuridik gazeta Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir Jur'atovich MAKSUMOV Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV, Kamoliddin ASQAROV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahoo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma s-2790.47 562 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahitlandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7617

Унаи Эмери «Милан»ни бошқариши мумкин

Италиянинг «Милан» клуби раҳбарияти ҳамон «Севилья» бош мураббийи Унаи Эмерини жамоага олиб келиш ниятида.

La Gazzetta dello Sport хабарига кўра, «россонерлар» 43 ёшли испан мутахассиси билан биргаликда Антонио Конте ва Карло Анчелотти каби мураббийлар номзодларини ҳам кўриб чиқмоқда.

Аввалроқ, агар музокаралар муваффақиятли амалга ошса, Эмери билан бирга «Севилья» ҳужумчиси Карлос Бакака ҳам «Милан» клубига келиши мумкинлиги айтилган эди.

Эслатиб ўтамиз, «Милан» клуби акцияларининг назорат пакетига эга бўлишга яқин турган тайландлик тадбиркор Би Тэчабул клубнинг ёзги трансферларига 70-100 миллион евро сарфламоқчи.

Гетце ўрнига Гюндоган


«Бавария» клуби Дортмунннинг «Боруссия» клуби ярим ҳимоячиси Илкай Гюндоганнинг таркибига қўшиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Хабар қилинишича, «Бавария» раҳбарияти Гюндоган учун Марио Гетценни беришга рози бўлиши ҳам мумкин. Гетце ҳам ўз вақтида «Боруссия» шарафини ҳимоя қилган эди.

Жорий мавсумда Марио Гетце Германия чемпионатида 9 та гол уриб, 4 та голли узатмани амалга оширган.

Эслатиб ўтамиз, Илкай Гюндоганнинг Англиянинг «Манчестер Юнайтед» ва Италиянинг «Ювентус» клублари ҳам сотиб олишни мақсад қилишган.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади



Янузай ижарага берилди

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби ҳужумкор ярим ҳимоячиси Алан Янузай Голландиянинг «ПСВ» жамоасига ўтиши мумкин.

«Манчестер Юнайтед» жамоаси ёзда Голландия клуби ҳужумчиси Мемфис Депайни сотиб олмақчи. Бу шартномага улар Янузайни ҳам киритишга тайёр. Шартнома амалга ошган тақдирда, бельгиялик футболчи «ПСВ» клуби таркибига бир йил муддатга ижарага берилди.

«Адан Янузайдай футболчи бизнинг таркибимизга ўтиб, Чемпионлар лигасида иштирок этишга қарши бўлмаса, уни ижарага олиш имкониятимиз бор», — деб таъкидлади «ПСВ» клуби директори Марсель Брандс.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Татьяна Филипповага турмуш ўртоғи

Владимир ФИЛИППОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Buyurtma s-2790.47 562 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahitlandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA

Умрингизга барака



Меҳнат инсонни улуғлайди, дейишди. Ана шундай меҳнати туфайли улуғланган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Заври Саидрова кутлуғ 60 ёшни қарши олмақда.

У меҳнат фаолияти давомида Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Конимех туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга ўта масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Айниқса, бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб-маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатиб келаётган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайдилар.

Заври Саидированинг узоқ йиллик хизмат фаолияти муносиб баҳолалиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 27 августдаги Фармонига асосан "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Хурматли Заври Сайдуллаевна, Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотир-ҳамлик ҳамда файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Реклама (эълон)



Агробанк жамоаси 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳамюртларимизга самимий эҳтиромини билдиради.

Қўлларини дуога очиб, эл-юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлигини тилаётган отахону онахонларимиз ҳамиша омон бўлишсин.

Эзгуликлар диёри бўлган юртимиз бунданда яшнайверсин!

"Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишлаб жорий этилган "Эҳтиром" номли омонат турига маблағларингизни 10 кундан 365 кунгача бўлган давр оралиғида ўзингиз хоҳлаган муддатга қўйиб, ҳисобланган фоизларини ҳар ойда олишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Реклама (эълон)

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:



Миллий валютада:

«КАДРИЯТ»

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАҲОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

«ТЕЖАМКОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

Хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«МАДАД» (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОДА)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 дан зиёд омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган